

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА
СПОРТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА
СПОРТ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАРНИ ИЛМИЙ-МЕТОДИК
ТАЪМИНЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МАРКАЗИ НУКУС ФИЛИАЛИ**

УТЕБАЕВ ТАЖИБАЙ ТИЛЕУМУРАТОВИЧ

**ПЕДАГОГНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ КОМПЕТЕНТЛИГИ
ВА МАҲОРАТИ
(Услубий қуланма)**

Нукус – 2020

Утебаев Т.Т.

Педагогнинг профессионал компетентлиги ва маҳорати: услубий қўлланма/ Т.Т.Утебаев; Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Нукус филиали - Нукус. 2020-йил. __ бет

Мазкур услубий қўлланма Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси” йўналиши учун ўқитиш сифатини оширишнинг устувор йўналишларини амалга ошириш учун таълим тизимини модернизациялашнинг ўзига хос жиҳатлари ва таълим сифатини ошириш каби муҳим масалаларга қаратилган.

Ушбу услубий қўлланма ўқитувчи шахсининг педагогик компетентлиги ва маҳорати, сирларини ўргатиш ва келгуси амалий педагогик фаолиятида шакллантиришига доир назарий билимлар беришга қаратилган, шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари учун тавсия этилади.

Педагогнинг профессионал компетентлиги ва маҳорати деб номланган услубий қўлланма Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Кенгашининг 2020-йил 24-июнь 2-сонли баённомаси асосида чоп этишга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир:

**Педагогика фанлари доктори,
профессор У.Алеуов**

Такризчилар:

**Педагогика фанлари номзоди,
профессор П.Шилманов**

**Педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори, Д.Нурешев**

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач таълим-тарбия соҳасида ўзининг умумий стратегик йўлини белгилаб олди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»дан келиб чиққан ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юртнинг келажаги бўлмиш ёшларни маънан етук, баркамол шахс этиб тарбиялашда ўқитувчи, мураббийнинг роли беқиёсдир. Юртбошимизнинг ташаббуси билан ўқитувчи шахси ва унинг ижтимоий мавқеига катта эътибор берилиб, уларнинг ташаббускорлигига, педагогик фаолиятини такомиллаштиришига, ўз устида ишлаб, ижодкорлигини ва касбий маҳоратини оширишига кенг йўл очилди. Чунки таълим-тарбия самарадорлигини ошириш маълум маънода ўқитувчи шахси ва унинг касбий маҳоратига боғлиқдир. Айниқса, бугунги шиддат билан ривожланаётган давр илм, фан, техника ва технологияларнинг ривожланиши ўқитувчи шахси олдига янги ва янги талабларни қўймоқда.

Бугунги кун ўқитувчиси нафақат ўз фанининг билимдони ва тарбиячи, балки таълим-тарбия соҳасидаги инновацион янгиликларни ўз тажрибасига олиб кирадиган, ахборот технологияларидан мустақил тарзда фойдалана биладиган, педагогик фаолиятини янги педагогик технологиялар асосида ташкил эта биладиган, муаллифлик технология ва методикаларга эга, ўқувчиларни мустақил ва танқидий фикрлашга ўргата оладиган, ўз устида мустақил ишлайдиган ижодкор шахс ҳам бўлиши ижтимоий заруриятдир. Ўқитувчининг шу каби касбий ҳамда шахсий сифатларини шакллантиришда ва ривожлантиришда, шунингдек, бўлғуси педагоглар бўлмиш талабаларни билимдон, интеллектуал салоҳиятга эга, рақобатбардош кадрлар этиб шакллантиришда Педагогик компетенция ва маҳорат фанининг аҳамияти каттадир. Бизнингча бу фан нафақат педагогика институтлари балки педагогик ихтисослик билан боғлиқ бўлган барча ўқув юртларида ўқитилмоғи мақсадга мувофиқдир. Чунки инсон у хоҳ математик бўлсин, хоҳ - физик, ёки тилшунос, у ўзининг педагогик фаолияти жараёнида болаларнинг юрагига йўл топа олиши, улар билан ишлаш йўллари, педагогик таъсир кўрсатиш сирларини билмоғи, ўз фани юзасидан билим, кўникма ва малакаларни ўқувчиларига моҳирона етказа оладиган ва ушбу билим, кўникма ва малакаларни ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишида пировард самарали натижага эриша олиши жоиз.

Педагогик маҳорат – бу педагогика фанининг таркибий қисми сифатида Олий ўқув юртларида ўрганилиб, бўлғуси педагог кадрларни тайёрлашни, уларнинг касбий сифатларини шакллантиришни, педагогик маҳорат, педагогик техника ва маданияти назарияси ҳамда амалиёти бўйича билимли, етук малакага эга бўлишларини бош мақсад этиб белгилаган. Ҳозирги фойтда жисмоний тарбия ўқитувчиларининг малакасин ошириш жарёнида «Профессинол педагогнинг компетенцияси ва маҳорати» модулининг ўқитилиши ҳозирги замон ўқитувчиси ҳаётимизда юз бераётган

туб ўзгаришларнинг асосий иштирокчиларидан бири бўлиб, у ҳар томонлама етук, чуқур билимга эга бўлган мутахассис, Ватани ва халқига содиқ, педагогик компетенция, маҳорат ва лаёқатга эга бўлган, жамиятдаги ҳамда касб вазифаларини яхши билган шахс бўлиши лозим. Айниқса бугунги кун фан-техника тараққиёти ахборотлар оқимининг тобора ортиб бориши ўқитувчилардан узлуксиз ва ягона таълим тизимининг ҳар бир бўғинида янги педагогик, ахборот ва компьютер технологияларини таълим-тарбия жараёнида қўллашни, шунга мос, улар билан ишлашга доир билим, кўникма ва малакаларининг шаклланишини талаб этмоқда.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, педагогик компетенция ва маҳорат фанининг юқорида таъкидланган назарий асослари келгуси педагогик фаолиятида барча педагогик вазиятлар ва зиддиятларга тайёр бўлди дегани эмас. Ўқитувчи шахси, унинг ижтимоий-касбий сифатлари том маънода педагогик амалиёт жараёнида тўлалигича шаклланади. Бизнинг мақсадимиз Педагогик компетенция ва маҳорат асослари ҳақида назарий ва амалий билимлар беришдан, моҳирлик сирларини ўргатишдан, уларнинг келгусида моҳир педагог бўлиб шаклланишига доир йўлланма беришдан иборатдир.

1-МАВЗУ. ПЕДАГОГ ФАОЛИЯТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ПЕДАГОГНИНГ ҲУҚУҚ, МАЖБУРИЯТЛАРИ

1.1. Педагогнинг профессионал компетентлиги ва унинг ҳуқуқ, мажбуриятлари

1.2. Педагогнинг таълим-тарбия жараёни ташкил этиш ва бошқариш маҳорати

Сўнгги йилларда педагогик маҳоратнинг категорияларига янгича ёндошувлар вужудга келмоқда. Жумладан педагогик компетентлилик педагогик маҳоратнинг янги категорияси ва энг асосийси сифатида тан олинмоқда. Ушбу категориянинг ўзига ҳос жиҳатлари айниқса педагогика фанлари доктори, профессор Н.Н.Азизходжаеванинг илмий ишларида аниқ ва равион тарзда ёритиб берилган. Уларнинг таъкидлашича **педагогик компетентлилик** - бу қабул қилинган меъёрлар, стандартлар ва талабларга мос тарзда педагогик функцияларни бажаришга қобилияти ва тайёргарлигини белгилловчи ўқитувчининг шахсий ва касбий тавсифидир. Касбий педагогик компетентлилик асосан қуйидаги компонентлардан ташкил топган:

1. Ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнларини инсонпарварлик тамойили асосида олиб бориши бўлиб, бу ғоя педагогик компетентлиликнинг асосини ташкил этади.

2. Таълим-тарбия ишларини маълум тизим асосида олиб бориш. Унинг бу тавсифи педагогик жараёнларни тузулмалар асосида ташкил этишни, педагогик тизимнинг ривожланиш қонуниятларини тушуниб етишни, педагогик фаолиятни самарали ташкил этишни таъминлайди.

3. Фанларни ўқитишда ўқитувчиларнинг мустақиллигини таъминлаш. Бунда ўқитувчилар учун қуйидаги учта ҳолат муҳим ҳисобланади:

- муомала маданияти;
- ўз фани юзасидан янги ахборотлар билан танишиш малакаси ва уларни ўз тажрибаларида қўллаб, ўз билимларини ошириб бориш;
- таълим ахборотларини бошқаларга етказиш малакаси.

4. Педагогик технологияларни амалда қўллаш.

5. Ўқитувчи ўзининг педагогик тажрибаларини илғор тажрибалар билан интеграллаштириши, яъни ўқитувчи ўз фаолиятининг мазмунини, педагогик ғояларини, муаллифлик технологияларини педагогика оламининг умумий масштабига олиб чиқиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

6. Ўқитувчининг ўз касбдошлари тажрибаларини ўрганиши ва инновацион тажрибаларни ўзлаштириш қобилияти.

7. Ўз тажрибасини умумлаштириши ва бошқаларга етказиш малакаси.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқитувчининг компетентлилик жиҳати унинг фақатгина педагогик фаолияти жараёнида намоён бўлади. Ўқитувчилар фаолиятини баҳолашда педагогик маданият тушунчаси қўлланилади. Педагогик маданият қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш маданияти. Таълим-тарбия жараёнининг мақсад ва вазифаларини тўғри белгилаш, бу вазифаларни ечиш босқичларини режалаштириш, уларга мос воситаларни танлаш таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш маданиятининг мазмунини ташкил этади. Педагогик лойиҳалаш маданиятининг асосини ижод, ўқитувчининг ижодий фаолияти ташкил этади.

2. Билиш маданияти, яъни ўқитувчи билимининг хилма-хиллиги ва уларни эгаллашидир.

3. Тафаккур маданияти. У ўқитувчида маънавий маданиятни - илм, фан, фалсафа, динни ўрганиш жараёнида вужудга келади. Бунда тизимли, илмий, мистик, диний, атеистик, оптимистик, пессимистик, догматик, танқидий каби турли хил қарашлар мавжуддир.

Шунингдек, педагогик маданият фикрлаш маданияти, ҳиссиёт маданияти, баҳолаш маданияти, мулоқот маданияти,, ташкилотчилик маданиятларини ўз ичига қамраб олади.

1. **Профессионал компетентлик-** мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши.

Профессионал компетенцияга :

- - Педагогика ва психологияга доир билимларга эга бўлиш;
- - Ўз устида ишлаш;
- - Таълим жараёнини режалаштириш, баҳолаш ва қайта алоқани ўрната олиш;
- - Ўқувчиларда мотивацияни шакллантириш;
- - АКТни билиши;
- - Таълим муҳитига янгилик киритиши;
- - Ўз фанини мукамал билиши;
- - Хорижий тиллардан бирини билиши.

Педагогик касби муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, педагог ёш қалблар камолотининг меъмориدير. У ёшларни ғоявий – сиёсий жиҳатдан чиниқтириб, табиат, жамият, тафаккур тараққиёти, қонуниятларини ўргатар экан, аввало, у ёш авлодни келажак меҳнат фаолиятига тайёрлаши, касб – ҳунар эгаллашларига кўмаклашиши ва жамият учун муҳим бўлган ижтимоий – иқтисодий вазифани ҳал этишга чоғламоғи даркор. Ана шу маъсулият ўқитувчидан ўз касбининг моҳир устаси бўлишни, ўқувчи - ёшларга тарбиявий таъсир кўрсатиб, уларнинг қизиқиши, қобилияти, истеъдоди, эътиқоди ва амалий кўникмаларини ҳар томонлама ривожлантиришнинг оптимал йўллариини излаб топадиган касб эгаси бўлишни талаб этади. Педагог – таълим – тарбия жараёнида махсус маълумот бўйича тайёргарликка эга катта бир авлод ўз соҳаси бўйича ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини қуйи авлодга ўргатувчи ижодкор шахсдир. **Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунинг 5- моддаси “Педагогик фаолият шугулланиш ҳуқуқи” бўлиб унда**

“Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юсак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.” – деб эътироф этилган. Педагогик дарслик ва қўлланмаларда:

Ўқитувчи – умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчилар билан таълим – тарбия ишларини амалга оширувчи ижодкор мутахассис.

Ўқитувчи (педагог) - педагогик, психологик ва мутахассислик йўналишлари бўйича тегишли маълумот, касбий тайёргарлик, юсак ахлоқий фазилатларга эга ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс саналади.

Жисмоний тарбия ўқитувчиси - болаларни спортга муҳаббатни сингдириш, ўсиб келаётган авлодда спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, жисмоний ва маънавий комилликка интилиш муҳимлиги тушунчасини шакллантириш, болаларни салбий таъсирлардан ҳимоя қилишга ва зарарли одатлардан халос этишга доир чора-тадбирлар мажмуини амалга оширади;

Педагогика фанинг бош масалаларидан бири - тарбиядир.

Тарбия - шахсни муайян йўналишда шакллантириш, камол топтириш мақсадида турли одамларнинг бир-бирига таъсир кўрсатадиган ижтимоий муносабатдир. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” 2015 йил 4 – сентябрдаги янги таҳрирдаги Қонунинг 11-моддасида: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатларида:

Умумий ўрта таълим муассасаларида болалар спортини ривожлантиришни ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлашни таъминлайди; болалар ва ўқувчи ёшлар ўртасида жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт тадбирларини ташкил этади; жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ўқув-услугий адабиётларни тайёрлашда иштирок этади; халқ таълими тизимининг таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида спорт мусобақаларини (“Умид ниҳоллари”) ташкил этишда иштирок этади; болалар спортининг моддий-техника ва ресурс базасини ривожлантириш чораларини кўради; болаларга спортга муҳаббатни сингдириш, ўсиб келаётган авлодда спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, жисмоний ва маънавий комилликка интилиш муҳимлиги тушунчасини шакллантириш, болаларни салбий таъсирлардан ҳимоя қилишга ва зарарли одатлардан халос этишга доир чора-тадбирлар мажмуини амалга оширади – деб эътироф этилган.

Мазкур қонуннинг 3 – моддаси, асосий тушунчаларда:

Жисмоний тарбия — маданиятнинг инсонни жисмоний тарбиялаш, жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик орқали жисмоний ҳамда интеллектуал жиҳатдан камол топтириш, унинг қобилиятини ва ҳаракат фаоллигини такомиллаштириш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, ижтимоий мослаштириш мақсадида жамият томонидан яратиладиган ҳамда фойдаланиладиган қадриятлар, нормалар ва билимлар йиғиндисидан иборат бўлган қисми;

Жисмоний тарбиялаш — юксак маданиятга эга бўлган ҳар томонлама етук ҳамда жисмонан соғлом инсонни шакллантириш мақсадида шахсни тарбиялашга, инсоннинг жисмоний имкониятларини ривожлантиришга, унинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малака ва билимларини орттиришга қаратилган жараён; Жисмоний тарбия ёки спорт тадбири ташкилотчиси — ўз ташаббуси билан жисмоний тарбия ёки спорт тадбири ўтказаетган ва (ёки) бундай тадбирни тайёрлаш ҳамда ўтказишни ташкилий, молиявий ва моддий жиҳатдан таъминлашни амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс;

Оммавий спорт — спортнинг ташкил этилган ва (ёки) мустақил машғулотлар, шунингдек оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказиш орқали аҳолини жисмоний тарбиялаш, соғломлаштириш, камол топтириш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этишга доир қисми;

Спорт тадбирлари — спорт мусобақаларини, ўқув-машқ жараёнини ва спортчилар иштирокида спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш бўйича бошқа тадбирларни ўз ичига оладиган тадбирлар;

Спорт тури — жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолият тури бўлиб, у инсоннинг спорт мусобақаларига ўзига хос тарзда тайёргарлик кўриши билан ажралиб туради, спорт мусобақаларини ўтказиш ва уларда иштирок этишга доир талаблар, тартиб ва шартлар белгиланадиган қоидаларга, низомга (регламентга) эга бўлади;

Ҳаваскорлик спорти — спортнинг аҳолини ихтиёрийлик асосида оммавий спортга жалб қилиш орқали одамлар соғлиғини мустаҳкамлашга қаратилган қисми;

Спорт — одамларнинг муайян қоидалар бўйича ташкил этилган, уларнинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятини таққослашдан иборат бўлган ҳаваскорлик асосидаги ва профессионал асосдаги фаолияти, шунингдек ушбу фаолиятга тайёргарлик кўриш ҳамда бу фаолият жараёнида одамлар ўртасида юзага келадиган муносабатлар;

Тренер — тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатномага эга бўлган ҳамда ўқув-машқ, оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказишни, шунингдек спорт натижаларига эришиш учун беллашув фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи жисмоний шахс.”- деб эътироф этилган. (Тренер – инглизча train – ўзбек тилида тарбияловчи, ўргатувчи маъноларини англатади.)

Педагогика дарсликларида ёш авлод тарбиясининг мақсад ва вазифалари этиб, ақлий, ахлоқий, меҳнат, эстетик тарбиялар билан бир қаторда “ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯГА” алоҳида эътибор қаратилган. “Жисмоний тарбия” - ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом ўсишларини, бақувват бўлишларини, ақлий, жисмоний меҳнатга шунингдек Ватан ҳимояси учун кўркмас, жасур, ҳарбий билимлардан биладиган қилиб тайёрлаш олий мақсадидир.

Педагогика тарихида инсон тарбияси ҳақидаги ғоялар, қоидалар, қонунлар дастлаб қиссаларда, пандномалар ва дарслик ва ўқув қўлланмаларда акс этган. Педагогиканинг фан сифатида шаклланиб, бойиб боришида Шарқ ва Ғарб қомусий олим-педагогларианинг ўрни каттадир. Суқрот, Аристотель, Платон ижодларида, айниқса Платоннинг “Давлат” асарида “Фарзандларинингизнинг илм ва адабини ўзингизнинг илм ва адабингиз билан чекламанг, уларни келгуси замон учун тайёрланг, чунки улар сизнинг замонангизга тегишли эмас, улар келгуси замон одамларидир”- деган.

Аждодларимиз жисмоний, ахлоқий тарбияда Широқ, Тўмарис, Алпомиш, Муродхон, Равшан каби афсонавий қаҳрамонлар тасвирланган дostonлардан фойдаланганлар, улар асосида ёшларни энг яхши анъаналар руҳида тарбиялаганлар. Халқнинг ватанпарварлик, элга ҳурмат, унинг тинчлиги, осойишталиги учун ғамхўрлик қилиш, маърифатли бўлиш, маънавий камолоти учун қайғуриши дostonларда ёрқин ифодаланган. Алпомиш дostonидаги ижобий қаҳрамонлар: Алпомиш, Барчин, Қоражон, Қалдирғоч, Қултой ва Ёдгор образларида севимли ёр,оила ва уруғ бирлиги йўлида кўрсатилган мардлик, жасурлик, қаҳрамонлик, ватанпарварлик, дўстлик ва самимият улуғланган.

Шарқда “Иккинчи муаллим” (Муаллимус соний) Абу Наср Форобийнинг ёшларнинг таълим-тарбия жараёнини - тажрибали ўқитувчи томонидан ташкил этилиши, бошқариб турилиши ва маълум мақсадларга йўналтирилиши лозимлиги таъкидланади. Форобийнинг таъкидлашича, таълим - тарбия бериш икки усулда бўлади. Биринчи усул “Амалий фазилатлар ва санъат ва уларни бажаришга

одатлантириш бўлиб, бу одат икки хил йўл билан ҳосил қилинади: Биринчи йўл- қаноатбахш сўзлар, чорловчи, илҳомлантирувчи сўзлар ёрдамида одат ҳосил қилинади, малакалар вужудга келтирилади,одамдаги ғайрат, касбга интилиш, ҳаракатга айлантирилади.

Иккинчи усул - мажбур этиш йўлидир.Бу усул гапга кўнмовчиларга нисбатан қўлланилади.Аммо улардан қайси бири назарий билимларни ўрганишга астойидил киришса ва касб – ҳунарларни, жузъий санъатларни эгаллашга интилиш бўлса, уни мажбур этмаслик керак. Демак, 1- усул санъатни рағбатлари билан ўрганувчиларга қўлланилади.2- усул мажбурий равишда тарбияланувчиларни тарбиялаш учун қўлланилади.

Ибн Синонинг “Тадбир алмазил”, Умар Ҳайёмнинг “Рубоий”ларида, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Кайковуснинг “Қобуснома” асарларида жисмоний тарбияга алоҳида эътибор берилган. “Қобуснома”даги “Фарзанд парвариш қилмоқ зикрида” бобида “...Улуғроқ бўлгондан сўнг, агар раият бўлсанг, унга ҳунар ва касб ўргатғайсан, агар сипоҳ аҳлидин бўлсанг, сипоҳ илмини ўргатғайсан. Буларни билгондан сўнг шиноварлик, яъни сувда юзмакни ўргатғайсан... Сувда юзмакдурким, бундай ишни фарзандим учун ҳамма одамлар қила олмас.”-деган Алишер Навоий ижодида ёшларнинг таълим- тарбиясида варзиш (машқ қилишга одат, кўникмалар)

тўғрисидаги фикрларини , яратган асарларидаги бадий образлар мазмун - моҳиятини ўқитувчилар луғатлардан фойдаланиб жисмоний тарбия билан шуғулланувчиларга тушунтирсалар , асар қаҳрамонларидаги ижобий фазилатлари тўғрисида яхши тасаввурлар пайдо бўлади.

Алишер Навоийнинг “Хамса” асаридан қуйидаги парчаларни ўқиб мазмун моҳиятини ўқувчиларга тушунтириб бериш мақсадга мувофиқдир: Туфулият айёми йўқтур шуур,

Эрур табъ рою хираддин нуфур.
Ул айём эрур лавҳға муктази,
Хатоға доғи сахвға муктази.
Нединким хирадға чу йўқ дастрас,
Эрур нафс даъб ҳавоу ҳавас...

Ёш бола яхши нима- ю, ёмон нималигининг фарқига бора олмайди, чунки унинг тушуниш, фикрлаш, мулоҳаза, муҳокама қилиш қобилияти ривожланмаган бўлади. Шу сабабли, у ўз хусусиятига кўра, бирон салбий таъсир натижасида ярамас, нотўғри йўлга тушиб кетиши мумкинлигини таъкидланади. Агар болага ёшлигидан тўғри тарбия берилмаса, ўсмирлик ва йигитлик даврида ҳам ёмон йўлга кириб кетиши мумкинлигини шундай таърифлайди:

Туфулият ўтгачки бўлди шабоб,
Хирад нури солди думоғ ичра тоб.
Кишининг бу вақт иккидур ҳолати,
Эрур ақли ё нафсининг қуввати.
Агар ақлиға қувват ўлди фузун,
Бўлур яхши ишлар сори раҳнамун...

Ота – оналар ўсмир ва ўспирин фарзандларига ақлий, жисмоний тарбия берсалар, у ўзида яхши одат ва фазилатларни шакллантиришда ёрдам беради. Ўспиринлик даврида кўп ҳолатларда турли нафс йўлидаги ишларга эътибор қилишдан кўра ақл билан иш тутишга ўргатиш афзал эканлиги эътироф этилади.

Ёшларнинг жисмоний жиҳатдан бақувват, соғлом, эпчил, чаққонбўлишлари ҳақидаги қарашлари Фарҳод ва Искандар образида ўз ифодасини топганини ўқувчиларга уқдириш алоҳида аҳамиятга эга.

“Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод ёшлигидан ақлий тарбия билан чекланиб қолмасдан жисмоний ва ҳарбий машқлар билан ҳам шуғулланиб чиниқа бошлайди. Жисмоний соғлом бўлишида сувда сузиш, камондан ўқ отиш ,чавандозлик, қиличбозлик ва бошқа машқлар билан шуғулланиш кундалик машғулоти бўлиб қолади. Натижада жисмонан бақувват бўлиш билан бир қаторда , расм чизиш, темирга ишлов бериш ва замонасининг бошқа ҳунарларини эгаллаб , ўн ёшида қадди – қомати йигирма яшар йигитдай бўлиб вояга етганини Навоий таърифлайди:

Бўлиб ўн ёшқа умрининг мурури,
Йигирма ёшча жисму қадду зўри.

“Садди Искандарий” достонида Искандарнинг Файлакус тарбияси натижасида доно давлат арбоби, саркарда ва олим бўлиб етишганлигини ҳикоя қилиб дейди:

Скандарки донойи офоқ эди,
Билик ичра офоқ аро тоқ эди.

Навоийнинг фикрича, яхши таълим ва тарбия олган ҳар бир киши Искандар каби бўлмоғи мумкин, бунинг учун аслзода ва шахзода бўлиш шарт эмас:

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди, ҳаёву, адаб...

Алишер Навоий бобомиз таъбирича кишининг чинакам инсонлиги, унинг насл-насабида, аслзода бўлишида эмас, балки ҳаёли, яхши тарбия ва таълим ёшларнинг жисмоний жиҳатдан бақувват, соғлом, эпчил, чаққон бўлишлари ҳақидаги қарашлари Фарҳод ва Искандар образида ўз ифодасини топганини ўқувчиларга уқдириш алоҳида аҳамиятга эга.

“Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод ёшлигидан ақлий тарбия билан йўли билан комиллика эришишдадир. Искандар ҳам шу қоидалар асосида парвариш қилинади:

Қилиб ҳавзига кеча – кундуз қиём,
Фузунроқ этиб дам - бадам эҳтиром,
Бериб парваришқа муносиб хуриш,
Муносиб хуришдан топиб парвариш.- деган пурмаъно

фикрлари исбот талаб қилмайди.

Ғарбда Ян Амос Коменский 1632 йили “Буюк дидактика”да ўқитиш табиийликка бўйсунити керак дейилган. Боланинг ақлий ва жисмоний ўсиш жараёни табиатдаги ўсиш жараёнига ўхшаш бўлади. Шунинг учун педагог болани тарбиялаганда, боғбон дарахтнинг биологик ўсиш қонуниятини ҳисобга олган каби, ундаги табиий билиш хусусиятини ҳисобга олиши шарт. Коменский ўқишга ҳамманинг тортилишини, ҳамма умум-таълим олиши кераклигини уқтиради. У биринчи бўлиб, синф-дарс тизимини ишлаб чиқди. “Буюк дидактика”да ўқитишнинг дидактик принциплари берилиб, дарс жараёнида ўқитувчи уларга суяниши кераклиги уқтирилади.

И.Г.Песталоцци, Гербарт, К.Д.Ушинскийлар ўз ижодий педагогик фаолиятларида педагогиканинг бош масаласи тарбия муаммосига турли муносабат билдириб, педагогика тарбия ҳақидаги фан эканлигини асослаб бердилар.

Жадид боболаримиздан Абдулла Авлонийнинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асаридаги бадан тарбиясига оид фикрича: соғлом фикр, яхши ахлоқ, илм-маърифатга эга бўлиш учун баданни тарбия қилиш зарур. «Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумок, ўқутмок, ўрганмок ва ўргатмок учун инсонга кучли, касалсиз жасад лозимдир».

“Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир”- деган тарбиянинг ҳақиқий илдизларини кўришимиз

мумкин.

Жисмоний тарбия дарсларида таълим-тарбия жараёнларини илмий - методик асосларда ташкил этиш, ўқувчилар фаоллигини таъминлаш ва фаолиятини мувофиқлаштириш асосида таълим жараёнларнинг сифат ва самарадорлигини таъминлашда замонавий ёндашувларга асосланадиган, юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган, ўзини-ўзи ва ўз фаолиятини ўзи таҳлил қиладиган ва объектив баҳолай оладиган, бой фалсафий ва маънавий дунёқарашга, психологик-педагогик ва ташкилий-технологик салоҳиятга эга бўлган, шунингдек, ахборотлар тўплаш, таҳлил қилиш, объектив баҳолаш, қайта ишлаш ва ахборотлар алмашилиш, педагогик жараёнларда вужудга келган муаммоли вазиятларда таълим олувчилар фаоллигини таъминлаш ва фаолиятини мувофиқлаштириш, педагогик жараёнлар самарадорлигига ва ўқувчилар фаоллигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни олдиндан аниқлаш асосида таълим-тарбия жараёни самарадорлигини олдиндан кўриш кўникмаларига эга бўлган ҳамда таълим-тарбия жараёни субъектлари фаолиятини илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш, мувофиқлаштириш, фаоллигини таъминлаш йўналишида зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган педагогни **компетентли ўқитувчи** дейишимиз мумкин.

Таълим муассасалари ўқитувчиларининг аксарияти педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда ўқитувчининг асосий вазифалари таълим-тарбия жараёнини ДТС талаблари асосда ташкил этиш ва назорат қилиш, ўқувчиларга ўрганилиши режалаштирилган мавзу бўйича зарурий ахборотларни етказиб беришдан иборат деб ҳисоблайдилар. Жисмоний тарбия ўқитувчиларнинг компетенциявий ёндошувларида қуйидаги вазифалар бажарилиши зарур:

- ўқув дастурида ўрганилиши режалаштирилган мавзуга мос равишда таълим-тарбиявий жараённинг ва ривожлантирувчи мақсадларини белгилаш;

- мақсадга мувофиқ кўзланган натижаларга эришиш учун вазифалар белгилаш ва белгиланган вазифаларни бажариш йўналишида ташкил этиладиган фаолиятни олдиндан режалаштириш, амалга ошириш йўл - йўриқларини ва қўлланиладиган педагогик технологияларни танлаш;

- вазифаларнинг мазмун ва моҳиятига кўра ўқувчиларнинг имкониятларини олдиндан аниқлаштириш ва вужудга келиши мумкин бўлган вазиятларни олдиндан башорат қилиш асосида бажариладиган вазифаларни

- имкониятларга кўра тақсимлашни режалаштириш;

- таълим-тарбия жараённинг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш;

- таълим -тарбия жараёнда ўқувчиларнинг субъективлигини таъминлаш ва фаоллигини оширувчи технологияларни татбиқ этиш жараёнларини лойиҳалаштириш;

- дарс жараёнда фойдаланиладиган дидактик воситаларни танлаш ва

олдиндан тайёрлаш;

- таълим — тарбия жараёнларнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминловчи чора-тадбирларни белгилаш;

- таълим муассасалари, оила ва маҳалланинг ўзаро алоқасини таъминлаш;

- педагогик жараёнларда илғор педагогик тажрибалар ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилиш;

- ДТС ва давлат талабларини амалиётда қўллаш ва унинг мониторингини олиб бориш;

- ўқувчилар ўртасида анкета сўровлари ва суҳбат ўтказиш асосида ахборотлар тўплаш ва таҳлил қилиш;

- ўқувчилар фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишида белгиланган вазифаларни қайта кўриб чиқиш, янгилаш;

- ўқувчиларнинг мустақил таълим жараёни натижаларига қизиқишини шакллантириш ва рағбатлантириш асосида инновацион фаолиятни ташкил этиш;

- ўқувчиларнинг ўқув, меҳнат ва ўйин фаолиятларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

Малака ошириш курсларида жисмоний тарбия ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларининг компонентларидан бири ҳисобланган тарбиявий муносабатлар жараёнига эътибор қаратадиган бўлсак, "инсон-инсон" муносабатлари шаклида биринчи навбатда таълим муассасаси раҳбарларининг ўқитувчилар билан "раҳбар - ўқитувчи", ўқитувчиларнинг ўз ўқувчилари билан "ўқитувчи-ўқувчи", ўқитувчиларнинг ўз касбдошлари билан "ўқитувчи-ўқитувчи" муносабатларида ўзаро бевосита таъсир мавжудлигини ўрганадилар.

Малака ошириш курси давомида жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ижтимоий аҳамият касб этувчи турли фаолиятлари, жисмоний тарбия дарсларида соғлом шахсини шакллантиришдаги тарбия турлари, шакллари, усуллари ва воситалари бўйича касбий компетенциясига креатив ёндошувларни такомиллаштирадилар.

1.2. Педагогнинг таълим-тарбия жараёни ташкил этиш ва бошқариш маҳорати

Замонавий талаблар ўқитувчидан доимо касбий маҳорати устида изланиши, ўзига турли шарт — шароитлар яратиши, инновацион ёндошувларга оид илмий — методик ишланмаларни тегишли тармоқлардан излаш, фойдаланиш ўқитувчининг ижодий ташаббускорлигини оширишига кўмаклашади. Бугунги кунда давлатимиз томонидан умумий ўрта таълимга қаратилаётган эътибор барча педагогларнинг ўз устида ишлаши, тинмай изланиш олиб бориши ҳамда ўқув жараёнини замон талаблари даражасида, илмий - методик асосда ташкил этишлари учун зарурий шароитларни яратиб бериш билан бир қаторда, таълим соҳасига ёш

мутахассисларнинг келиб қўшилишига имконият яратмоқда, бу эса ўз навбатида умумий ўрта таълим муассасаси педагоглари олдида янада янги вазифалар қўяди.

Ўқитувчининг педагогик- психологик тайёргарлига қўйиладиган талаблар:

1. Болаларни севиш ва улар билан ишлашга қизиқиш, педагогик ишини севиш;

2. Педагогик – психологик зийраклик ва кузатувчанлик ;

3. Педагогик такт;

4. Педагогик тасаввур;

5. Ташкилотчилик қобилияти;

6. Ҳаққонийлик;

7. Дилкашлик;

8. Талабчанлик;

9. Қатъийлик ва мақсадга интилиш;

10. Вазминлик;

11. Ўзини тута билиш;

12. Касбий лаёқатлик.

Махсус тайёргарликнинг ҳажми ва мазмуни;

Илмий – методик салоҳият, маънавий эҳтиёж ва интеллектуал қизиқиш, янгиликни ҳис қила билиш, билим, кўникма ва малакасини ҳамда педагогик маҳоратини оширишга интилиш киради.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” замонавий педагог жавоб бериши керак бўлган талаблар комплексини белгилайди. Қуйидагилар ўқитувчининг педагогик ишга тайёрланганлигининг зарур ва етарли даражасини таъминлайдиган асосий (фундаментал) талаблар ҳисобланади:

ўқитиш (дарс бериш) маҳорати;

тарбиялаш маҳорати;

ўқув - тарбия жараёнида инсонпарварлашув ва ижтимоийлашув омилни таъминлайдиган шахсий сифатлар;

таълим олувчиларнинг билимларини ҳолисона назорат қилиш ва баҳолаш маҳорати.

Ўқитиш (дарс бериш) маҳорати қуйидаги талаблар билан белгиланади:

- касбий тайёргарлик, лаёқат ва эрудиция;
- психологик-педагогик тайёргарлик;
- таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ва янги билимлар олишга ўргатиш маҳорати;
- ўқув – методик адабиётлари турларини билиш ва фойдаланиш;
- жисмоний тарбия бўйича замонавий ўқув ва машқ ускуналари ва компьютер техникасидан фойдаланиш;
- янги педагогик ва ахборот - коммуникация технологияларини
- эгаллаганлик, Интернетнинг глобал тармоғи билан ишлаш бўйича амалий кўникмалар;
- педагог кадрлар малакасини оширишнинг асосий шакллари

- билиш;
- илмий - педагогик ижодиёт методологиясини билиш;
- жисмоний тарбия фани ва соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини билиш;
- предметлараро алоқалардан фойдаланиш маҳорати;
- риторика ва нотиклик санъати асосларини билиш;

Замонавий ўқитувчида қуйидаги фазилатлар намоён бўла олиши керак (сўз юритилаётган сифатлар моҳиятан ўқитувчи томонидан амалга оширилиши зарур бўлган вазифа, бурч ва масъулиятларини ифодалайди):

1. Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ҳамда бу борада ўқувчиларга тўғри, асосли маълумотларни бера олиши лозим.

2. Замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника ва технология янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиши талаб этилади.

3. Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур, пухта билимга эга бўлиши, ўз устида тинимсиз изланиши лозим.

4. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиш, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолият ташкил этиши керак.

5. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида энг самарали шакл, метод ва воситалардан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.

6. Ўқитувчи ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши шарт.

7. Ўқитувчи юксак даражадаги педагогик маҳорат, чунончи, коммуникативлик лаёқати, педагогик техника (нутқ, юз, қўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика, жест) қоидалари чуқур ўзлаштириб олишга эришишлари лозим.

8. Ўқитувчи нутқ маданиятига эга бўлиши зарур, унинг нутқи қуйидаги хусусиятларни ўзида акс эттира олиши керак:

а) нутқнинг тўғрилиги;

б) нутқнинг аниқлиги;

в) нутқнинг ифодавийлиги;

г) нутқнинг софлиги (унинг турли шева, жаргон сўзларидан ҳоли бўлиб, фақат абадий тилда ифода этилиши); жаргон (муайян касб ёки соҳа мутахассисликларига хос сўзлар); варваризм (муайян миллат тилида баён этилаётган нутқда ўзга миллатларга хос сўзларни ноўрин қўлланилиши); вульгаризм (ҳақорат қилиш, сўкишда қўлланиладиган сўзлар) ҳамда концеляризм (ўрни бўлмаган вазиятларда расмий сўзлардан фойдаланиш) сўзларидан ҳоли бўлиши, ўқитувчининг нутқи содда, равон ва тушунарли бўлиши керак;

д) нутқнинг равонлиги;

ж) нутқнинг бойлиги (ҳикматли сўзлар, ибора ва мақоллар, маталлар ҳамда кўчирма гаплардан ўринли ва самарали фойдалана олиш).

9. Ўқитувчи шахсий ҳаётда пок, атрофдагиларга ўрناк бўла олиши лозим. Ўқитувчи педагогик мулоқот жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида ўзида бир қатор сифатларнинг таркиб топишига эришиши зарур. Маълумки, инсон ҳар доим ўсиш ва ривожланишдадир. Шундай экан, инсон камолотига таъсир этувчи омилларнинг илмий-назарий моҳиятини барча педагогик жамоалари тўғри тушунишлари лозим. Ҳар бир педагог, ўз педагогик фаолиятини ва маҳоратини турли хил шароитларда ва жамоаларда инсонлар таъсирида амалга оширади.

Педагогнинг таълим-тарбия жараёнидаги фаолияти ва машғулотга тайёргарлигида Жисмоний тарбия ўқитувчининг психологик – педагогик тайёргарлиги, касбига муносиблиги (компетенцияси) , шахсий хусусиятларининг профессиограммаси:

Ўқитувчилик ихтисосининг хусусиятлари унинг профессиограммасида қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ўқитувчи шахсининг хусусиятлари;
2. Ўқитувчининг педагогик – психологик тайёргарлига қўйиладиган талаблар;
3. Махсус тайёргарликнинг ҳажми ва мазмуни;
4. Ихтисосга оид методик тайёргарлигининг мазмуни;

Ўқитувчи шахсининг хусусиятлари:

Мафкуравий, ижтимоий, сиёсий соҳада:

1. Илмий дунёқараш ва эътиқод;
2. Ижтимоий эҳтиёж ва ахлоқий заруриятларни чуқур тушуниш;
3. Ижтимоий ва фуқаролик бурчини англаш;
4. Ижтимоий - сиёсий фаоллик.

Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни, “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, “Болага дўстона муносабатда бўлиш” дастури, спорт соҳасида узлуксиз таълим тизимининг асосий атамалари ва тушунчаларини билиш.

Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчида қобилиятнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлиши билан бир қаторда педагогик, психологик тайёргарлик ҳам етарли бўлиши мақсадга мувофиқдир:

1. Билиш қобилияти - ўқув предметининг тегишли соҳаларига оид бўлиб, бунда ўқитувчи жисмоний тарбия ўқув предметини ўқув курсини ДТС ҳажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билиши, унга қизиқиши, оддий тадқиқот ишларини ҳам бажара олиши керак.

2. Тушунтира олиш қобилияти – ўқув ва машқ қоидаларини ўқувчиларга тушунарли қилиб баён ва амалий кўрсата олиши ўқувчиларда мустақил фикрлашга қизиқиш уйғотишдир.

3. Кузатувчанлик қобилияти- ўқувчининг, ички дунёсига кира олиш қобилияти, ўқувчи шахсини ва унинг вақтинчалик ҳолатларини жуда яхши тушуна билиш билан боғлиқ бўлган психологик кузатувчанликдир.

4. Нутқ қобилияти - нутқ ёрдамида, шунингдек, имо- ишора востасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ва равшан ифодалаш қобилияти. Бу жисмоний тарбия ўқитувчилик касби учун жуда муҳимдир. Ўқитувчининг нутқи аниқ, жонли, образли, талаффузи жиҳатдан ёрқин, ифодали, ҳис – ҳаяжонли бўлиб, унда стилистик, грамматик, фонетик нуқсонлар учрамаслиги лозим.

5. Ташкилотчилик қобилияти - ўқувчилар жамоасини уюштириш, жипслаштириш, муҳим вазифаларни ҳал этишга руҳлантиришини а ўз ишини тўғри уюштиришни назарда тутилади.

6. Обрў орттира олиш қобилияти - ўқувчиларга бевостиа эмоционал-иродавий таъсир кўрсатиш ва шу асосда обрў қозона олишдир. Обрў фақат шу асосдагина эмас, балки ўқитувчининг ўқув предметини яхши билиши, меҳрибонлиги, назокатлилиги ва бошқа ижобий хислатлар. Ўқувчилар кўполлик қилмайдиган, кўрқитмайдиган, тўғри талаб кўя оладиган ўқитувчини жуда ҳурмат қиладилар. Ўқитувчининг бўшанлиги, саботсизлиги ва иродасизлигини ёқтирмайдилар.

7. Тўғри муомала қила олиш қобилияти – ўқувчилар билан педагогик нуқтаи назардан самимий, дўстона, самарали ў муносабатлар ўрната билиш, педагогик мулоқот маданиятини билдиради.

8. Келажакни кўра билиш қобилияти – ўз ҳаракатларининг оқибатини кўра билишда, ўқувчининг келгусида қандай мутахассис бўлишини тасаввур қила олишида, тарбияланувчида қандай ижобий фазилатларни тараққий эттириш лозимлигини олдиндан башорат қила олишида ифодаланади. Бу қобилият педагогик оптимизмга, таълим - тарбиянинг қудратига боғлиқдир.

9. Диққатни тақсимлай олиш қобилияти – ўқитувчи учун диққатнинг барча хусусиятлари - ҳажми, кучи, кўчувчанлиги, идора қилина олиши, сафарбарлиги кабилари билан изоҳланади. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи сабоқни баён қилиш мазмуни ва шаклини, ўз фикрини (ёки ўқувчинин фикрини) диққат билан кузатади, айтилиши вақтда барча ўқувчиларни кўриб туради, толиқиш, эътиборсиз - интизомсизлик ҳолларини эътибордан қочирмайди, ниҳоят ўз хатти – ҳаракатларини ҳам бошқариб боради.

Жисмоний тарбия ўқитувчиси юқорида кўрсатилган қобилиятлардан ташқари яна бир қанча ижобий сифатларга - аниқ мақсадни кўзлаш, қатъийлик, меҳнатсеварлик, камтарлик каби сифатларга ҳам эга бўлиши керак акс ҳолда ўрта педагогик даражадан юқorigа кўтарила олмайди. Педагогика оид дарсликларда “Жисмоний тарбия”га қуйидагича таъриф берилган:

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларга жисмоний тарбия, ҳаракатли ўйинлар, гимнастика, спорт, туризм ҳамда синфдан ва мактабдан ташқари спорт машғулотлари турлари воситаларида берилади. Жисмоний тарбия воситасида ўқувчиларга одамнинг анатомияси, физиологияси ва гигиенасига оид тизимли билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилинади.

Жисмоний тарбия ахлоқий тарбия билан чамбарчас боғланган бўлиб, ўқувчи – ёшларда бўшанглик, ўз кучига ишонмаслик, дангасалик ва бошқа ахлоқий камчиликлардан қўрқоқ бўлиб қолиши Ватан ҳимояси учун яроқсиз бўлиб, улардан ботирлар етишиб чикмагани тўғрисида тарихий маълумотлар бор. Жисмонан чинққан мард киши меҳнатда ҳам ўзини кўрсата олади, уларда ҳақиқат, қаноат, сабр, эзгулик, виждон, адолат, диёнат, инсоф каби ижобий ҳислатлар намоён бўлади. Мард – майдон одами, у курашиб яшайди. Халқимизнинг қаҳрамонлик, мардлик туйғуси ифодаланган кўплаб ривоятлар, дostonларида халқнинг қаҳрамонлиги, эл-юрт фаровонлиги йўлидаги мардликларидан бири “Алпомиш” дostonида ўз ифодасини топган.

Жисмоний тарбия ўқитувчиси олдида турган бош вазифаси:

ўқувчи – ёшларни жисмонан тетик, хушчақчақ, меҳнат севар, жасур, ватанпарвар, ахлоқан пок, маънавиятли баркамол бўлиши учун ўзининг илмий, методик, касбий маҳорати билан тарбия беришдир. Аксинча номардларда ёмонлик, ожизлик, маккорлик, ҳасад, адоват, разиллик, юзсизлик, ҳиёнат, тубанлик, ноинсофлик каби иллатлар учрайди.

Педагогик маҳорат нима? Уни қандай эгаллаш мумкин?

Педагогик маҳорат - ўқитувчи тарбиячининг шахсий (болажонлиги, хайрихоҳлиги, инсонпарварлиги, меҳрибонлиги, самимийлиги, назокати ва ҳ.к.) ва касбий (билимдонлиги, зукколиги, фидойилиги, ижодкорлиги, эрудицияси ва ҳ.к.) фазилатларини белгилайдиган хусусиятки, у ўз ўқув фанини чуқур ва атрофлича билишида, педагогик – психологик ва методик тайёргарлигида, талаба – ёшларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг оптимал йўллариини излаб топиб, амалий фаолиятга қўллашида намоён бўлади.

Педагогик маҳоратли жисмоний тарбия ўқитувчиси ўз ўқув предметини давр талаблари асосида билиши, педагогика, психология, методика фанларини мукамал ўзлаштириши ҳамда инсонийлик, меҳнатсеварлик ва фидойилик каби маънавий – ахлоқий фазилатларни ўзида таркиб топтириши лозим.

Педагогик касбининг шарафлилиги ва мураккаблиги шу билан белгиланадики, у доимо онгнинг ягона соҳиби бўлган инсон билан мулоқотда бўлади. Ёш инсон эса ақлий, руҳий, ҳамда жисмоний жиҳатдан доимо ривожланишда бўлади. Шунинг учун, ўқувчи билан доимо мулоқотда бўлганда, унга таъсир кўрсатиш учун мунтазам равишда психология, тарбия назарияси каби фанларни мукамал ўрганиб, ўз касбий маҳорати устида муттасил иш олиб бориши керак. Бу ўқитувчидан педагогик – психологик ва методик тайёргарликни таъминлайди. Педагогнинг шахсий фазилатлари сирасига иймон – эътиқоди, дунёқараши, ижтимоий эҳтиёж ва фаоллиги, одоб – ахлоқи, фуқаролик бурчларини ҳис қилиши, маънавияти, дилкашлиги, талабчанлиги, қатъийлиги ва мақсадга интилиши, инсонпарварлиги, ҳуқуқий билимдонлиги ва ҳ.к.лар киради. Булар ўқитувчига касбий хусусиятларни ўзида тарбиялаб боришга қўмаклашади.

Буларнинг барчаси хусусий моҳият-мазмун касб этсада, улар яхлит ҳолда ўқитувчи-тарбиячи(педагог)нинг касбий малакаларининг мазмунини ифодалайди.

Педагогик техника – ўқитиш, таъсир кўрсатиш, таълим тарбия олувчиларга ўз ҳис-туйғулари, билимлари, ахлоқий фазилатларини узатиш технологиясини ифодаласа, педагогик муомала – ўқитувчи касбий фаоллигининг бир кўриниши бўлиб, таълим - тарбияда шу жараён иштирокчиларининг ўзаро таъсир ва ҳамкорлигини акс эттиради.

Педагогик ижод – ўқитувчининг маҳорат пилапояларидан кўтарилишида яратувчанликни, ташаббускорликни, педагогик уддабуронликни ва тадбиркорликка элитувчи йўлни, бу йўлдаги қийинчиликлардан кўрқмасликни англатади. Ўз навбатида бу соҳада ўқитувчининг педагогик қобилияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки у педагогик жараёнда ўқитувчининг ақлий, эмоционал – иродавий жиҳатларини, ташкилотчилигини, билимдонлигини ва уларнинг бир-бирига боғлиқлигини ҳамда яхлит бир бутунлик касб этишини ифодалайди.

Педагогик маданият ўқитувчи-тарбиячилик бурчи, масъулияти, кадр-қиммати, виждони, ахлоқий эътиқодини назарда тутиб, ўқитувчининг талабчанлиги, адолати, комиллиги, ростгўйлиги, тўғрилигини англатади.

Педагогик маҳорат тизимида педагогик назокат (такт)– ўқитувчининг педагогик мақсадга мувофиқ, фойдали, қимматли ҳаракатларининг ўлчови, меъёри ва таъсир воситасининг чегараси сифатида характерланади.

Инсонпарварлик - инсоннинг қадри эркинлиги бахт-саодати тенг ҳуқуқлилиги тўғрисида инсонийликнинг барча тамойилларини юзага чиқариш учун шарт-шароитлар яратиб бериш ҳақида ғамхурлик қилишни ифодаловчи тушунча. Педагогларнинг индивидуал психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўз имкониятларидан тўғри фойдаланиш; олдиндан аниқланаётган вазиятларга нисбатан тўғри муносабатда бўлиш, ўзгалар мувоффақиятини оқилона баҳолаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришда адолатлилик.

Самимийлик- атрофдаги кишилар билан муносабатда софдиллик, виждонлилик ифодаланадиган шахсий сифат Ватанни севиш- она юртига, ота-онасига ва ёру дўстларига садоқатли бўлиш ва эътиқод қилиш; мустақил республикамиз конституцияси ва қонунлари, давлатимиз рамзлари, миллий урф-одатлар ва умуминсоний қадриятларга содиқлик;

Фидойилик. Табiiй бойликлардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза қилиш, ота-боболаримиз қолдирган маданий меросларни тўплаш, ўрганиш, авайлаб сақлаш ва тарғиб қилиш.

Педагоглар ҳар томонлама таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил этиши билан бирга ўзларининг ташқи қиёфасига ҳам эътибор бериши лозим. Ташқи қиёфа орқали инсонларнинг қизиқишларини орттирган ҳолда, ўзини намоён қила олиш, ўзига оғдира олиш ва эътиборни қарата олиш дарс

жараёнини самарадорлигини оширади. Педагогларда фақатгина истеъдодининг ўзи етарли эмас, балки ўқувчиларга идеал шахс сифатида тасаввур қила олишни ҳам билиши керак.

Ўқитувчининг ташқи қиёфасини ифодаловчи маданияти.

Педагогик имидж- педагогнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси билан ташқи кўриниши ўртасидаги ўзаро уйғунлик ва мутаносибликдир.

Имидж - аниқ бир инсонга бўлган муносабатда инсонлар тафаккурида юзага келадиган ташкилот ёки бошқа ижтимоий объект қиёфасидир. Луғавий жиҳатдан “имидж” (инг. “image”) тушунчаси “сиймо”, “тимсол”, “қиёфа” ва “образ” маъноларини англатади. Моҳиятига кўра эса ушбу тушунча ёрдамида “жозибаси”, “мафтункорлик” маъноларини ифодалайди. Ўқитувчи имиджи (содда, озода, бежирим кийиниши), таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг диққатини тез жалб этувчи турли хил безаклар (олтин, кумуш тақинчоқлар)дан фойдаланмаслиги, фасл, ёш, гавда тузилиши, юз қиёфаси, ҳатто, аёл ўқитувчиларда соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийинишни ўзлаштириши лозим.

1. Гавдани тутиш-тўғри тутиш(юришда, ўтириб туришда), қўлларнинг ўқитувчи столида эркин ҳолатда бўлиши, батартиблиги, ихчамлиги.

2. Кийим- озодалиги, шинам ва башанглиги, камтарлиги, рангнинг мос ҳолда танланиши, кийимнинг ёшига ва касбига мослиги, кийимни модага мувофиқлиги, бижутерия, тақинчоқларнинг кўп ва камлиги, ишига мослиги.

3. Пардознинг меъёрдалиги, ёши, касби ва ишига мослиги.

4. Причёска(сочнинг маълум бир тартиблилиги).

5. Педагогнинг мимик ва пантомимик ифодаси.

Жисмоний тарбия ўқитувчиси спорт формасининг вазифаси: иссиқдан, совуқдан ҳимоя қилиш эмас, балки ўзига жалб этишни ҳам уддалаши керак. Спорт формасини кийиши албатта, озода, ярашган ва сипо бўлишига қараб ўқитувчига баҳо берилиши унинг ишига талабчанлиги ва ички камтарлиги ҳақида маълумот беради. Жисмоний тарбия ўқитувчисининг ижобий қиёфаси ва жозибаси, ўқувчиларга психотерапевтик таъсир ўтказади ҳамда спорт таълими самарадорлигини оширади.

1- Мавзу бўйича тест саволлари

1. Луғавий жиҳатдан “competere” тушунчаси қандай маънони ифодалайди?

- a) характер;
- b) темперамент;
- c) мос келиш;
- d) идрок.

2. Ўзини ижтимоий касбий ривожлантира олиш деганимиз нима?

- a) креатив компетентлик.
- b) аутокомпетентлик;
- c) экстремал компетентлик.

d) шахсий компетентлик.

3. Шахсининг ўз-ўзини таҳлил қилиши орқали ўзига баҳо бериши қандай номланади?

a) ўз-ўзини ривожлантириш;

b) ўз-ўзини баҳолаш;

c) ўзини ўзи таҳлил қилиш;

d) ўзини ўзи англаш.

4. Қуйидагилар ўқитувчининг педагогик ишга тайёрланганлигининг зарур ва етарли даражасини таъминлайдиган асосий (фундаментал) талаблар нима?

А.ўқитиш (дарс бериш) маҳорати, тарбиялаш маҳорати

Б. Дарс бериш.

С. Таълим назарияси

Д. Педагогик маҳорат

5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунинг нечанчи моддасида “Педагогик фаолият шуғулланиш ҳуқуқи” бўлиб унда “Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга” делинган ?

А.5

Б.6

С.12

Д.2

2-МАВЗУ. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИНГ ЎРНИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

2.1. Таълим-тарбия жараёни сифатини оширишда педагог компетенциясининг ўрни ва унинг турлари. Касбий компетенция модели

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий ва маърифий соҳаларида амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнлари узлуксиз таълим тизимига ҳам бевосита таъсирини кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида, замонавий таълим муҳитининг муҳим тавсифи ҳамда шахс имкониятлари муваффақиятли амалга оширилишининг шарти сифатида таълим парадигмаларини такомиллаштириш, унинг таркибий қисмлари функционал ва концептуал муаммолари ечимини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Узлуксиз таълим тизими ижтимоий соҳалар ҳамда иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш шароитида муҳим ижтимоий институтлардан бири сифатида таълимий, тарбиявий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий функцияларни бажармоқда. Уларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун ўқувчиларда ижодий ва мустақил фикрлаш, касбий етуклик ва юксак маънавиятни шакллантирувчи педагогик шарт-шароитлар яратилиши лозим.

Мазкур муаммолар педагог-ходимлар малакасини ошириб келганидан сўнг таълим муассасалари ички бошқаруви тизимида ҳам кузатилиб, бошқарувнинг директив хусусиятга эга эканлиги, бошқарув фаолиятида педагоглар жамоасининг иштирок этмаслиги, инновацияларнинг муассаса имкониятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олмаган ҳолда жорий этилиши, педагог-ходимларнинг ёш хусусиятлари етарлича эътиборга олинмаслиги каби ҳолатлар таълим сифатини таъминлашга салбий таъсир кўрсатгани аниқланган.

Шунинг учун малака ошириш тизимига мураккаб таркибга эга бўлган ижтимоий тизим сифатида қараб, ундаги таълим сифати дейилганда истеъмолчиларнинг талабларига мувофиқликни тушуниш мумкин.

Малака ошириш курсларидаги таълим жараёни унинг сифатини баҳолашни тизимли ташкил этиш, яъни мониторингни жорий этиш заруриятини талаб этади. Мазкур мониторинг бир ёқламалик тавсифига эга бўлиб, у, асосан, педагог-ходимларнинг сўнггидаги тайёргарлиги савияси, ўқув модуллари бўйича таълим самарадорлиги, машғулотлар сифати, тингловчиларнинг ўтилган дарсларни баҳолаши, таълим муҳитининг ташкил этилиш сифати, амалга оширилган ўқув, тарбиявий ва маънавий-маърифий тадбирлар савиясига доир маълумотларни олиш имкониятини беради. Мониторинг натижалари таълим жараёни сифати тўғрисида маълум даражада ахборот беради, лекин таълим сифатига таъсир этиш ва уни бошқариш учун етарли эмас.

Лойиҳа ишимизда малака ошириш жараёнидан сунг таълим сифати – малака ошириш таълим муассасасидаги таълим жараёнларининг давлат талабларига, эришилиши мумкин бўлган натижаларга, мезон ва кўрсаткичларда ифодаланган ижтимоий ва шахсий кутишларга мослик даражасини акс этдирувчи умумлаштирилган хусусият тарзида таърифланади.

Бугунги кунда малака ошириш курсларидаги таълим сифатини баҳолаш таълим дастурлари, ўқитувчилар таркиби, шунингдек, ўқув жараёнининг ахборот ва моддий-техника таъминоти сифатини баҳолашни камраб олади.

Таълим дастурини амалга ошириш самарадорлиги таълим бериш методи, ўқитиш сифатини баҳолаш механизмининг мавжудлиги ва самарадорлиги, тингловчининг курс якунидаги савияси каби кўрсаткичлар орқали баҳоланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ички назорат тизими ёрдамида тўпланган маълумотлар асосида муассасадаги таълим сифатининг ташқи экспертизасини етарли даражада холис ўтказиш мумкин бўлади.

Педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш, хорижда педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва стажировкасини ўтказиш ва қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб қилиш қилиш (2.1.расм).



2.1-расм. Таълим сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш модели

Хорижий давлатларда, МДХ мамлакатларида ва Республикамиздаги малака ошириш таълим муассасаларида малакасини ошириб келган педагог-ҳодимларнинг тажрибаларига асосланган намунали очик дарсларини ташкил қилиш ва бу дарслар натижаларини ўзаро таққослаб ўрганган ҳолда, (баҳолашда талабалар ҳам қатнашади) дарс сифати ўрганилиб (хорижда, МДХ давлатларида ва Республикамизда малака оширишдан ўтган) уларнинг компетентлик даражалари баҳоланиши ва мос равишда рағабатлантирилишлари лозим.

Масалан: Қуйидаги сўровномалардан фойдаланилиб баҳоланса бўлади.

Ўқитувчининг ўқитиш сифатини қандай баҳолайсиз?

- А) Яхши
- Б) Ўртача
- В) Қониқарсиз

Ўқитувчининг АКТ дан фойдаланиш даражаси қандай?

- А) Яхши
- Б) Ўртача
- В) Қониқарсиз

Ўқитувчининг касбий маҳоратини қандай баҳолайсиз?

- А) Яхши
- Б) Ўртача
- В) Қониқарсиз

Таълим жараёнининг амалиёт билан боғланганлигини қандай баҳолайсиз?

- А) Яхши
- Б) Ўртача
- В) Қониқарсиз

Ўқитувчининг янги методлардан фойдаданиши?

- А) Яхши
- Б) Ўртача
- В) Қониқарсиз

Модернизация қилиш шароитида таълим тизими масаласи энг асосий ва марказий факторлардан биридир. Зеро унинг замирида инновацион механизмларнинг шаклланиши ва таълимни ривожлантириш масаласи ётади. Бунда “модернизация” фақат сунъий қолипда ва қалбаки шаклда, тараққиёти жадал суръатларда ошиб бораётган мамлакатлар ортидан қувиш, номига бўлса ҳам модернизацияни жамъиятнинг турли соҳалари ва ҳаётнинг кўплаб тармоқлари бўйича олиб кириш, уни кўз-кўз қилиш эмас, балки бу жараёнли ислохотни, дарҳақиқат, халқнинг ижтимоий ва маданий ҳаёти ва умуман барча жабҳаларнинг ривожланишидаги ўзига хос ўрни, илмий ва амалий аҳамияти, етишиб чиқаётган кадрларнинг инновацион механизмларни ўзлаштириши даражаси, янгиликларга бўлган иштиёқи, том маънода ижтимоий ҳаётнинг барқарор шаклланиб бориши нуқтаи назаридан қабул қилмоқ ва бу жараёнга шу нуқтаи назардан қабул қилмоқ зарурдир. Демак

Бундай шароитда, юқори малакали педагогларга бўлган талаблар ортиб бориб, баркамол авлодни асрлар давомида шаклланиб келган умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш лаёқатига эга, фаннинг фундаментал асосларини, педагогика ва психология методларини мукаммал эгаллаган, касбий тайёргарлиги юксак даражада бўлган ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини амалиётда қўллаш кўникма ва малакасига эга ижодкор педагогларни тайёрлаш талаб этилади. Ҳозирги глобаллашув шароитида аҳолининг юқори билим даражаси мамлакатнинг турли соҳаларидаги мустақиллигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Чунки ҳар соҳада етакчилиكنи қўлга олиш, ўзга мамлакатларга у ёки бу даражада қарамликдан халос бўлишда аҳолининг илмий ва касбий салоҳияти асосий омиллардан бири сифатида баҳоланади.

Бугунги кунда сифатли олий таълим олган субъект меҳнат бозорида талабга эга бўлади. Тез ўзгараётган ижтимоий-иқтисодий шароитларда бозор конъюктурасини ўзгариб бораётган бир пайтда рақобатбардош бўлишга кучи етади. Чуқур билим, ортирилган малака ва амалий тажриба сифатининг асосий омилларидан бўлиб, инновацион таълим бу кўрсаткичларни ХХІ-аср тараққиётига тайёрлаши бугуни куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. ОТМларнинг сифатиини назорат қилиш ҳозирда – аттестация, аккредитация, рейтинг даражасининг аниқлаш орқали амалга оширилади.

Педагогика фанида психологик-педагогик компетентлик тушунчаси педагогнинг таълим-тарбия жараёнида энг юқори даражада натижага эришиши, юқори касбий салоҳият, шунингдек, мулоқотчанлик ва ижобий фазилатларга эга бўлиш деган хулосага келинади. “Компетентлик” сўзининг маъноси хабардорлик, обрў, ўз соҳаси бўйича кенг қамровли тушунча ва тажрибага эга бўлиш билан белгиланади. Компетенция-шахсий сифат бўлиб, турли хил вазиятда педагогик фаолият ва ижтимоий ҳаётда ифодаланадиган қобилият, билим, кўникма ва малака ҳисобланади.

Таълим ва тарбия жараёни ўсиб келаётган ёш авлодни жамият талабларини ўзида акс эттирувчи ижтимоий буюртма асосида ҳаётга

тайёрлашдан иборат. Таълим ва тарбия жараёнида ёшлар аждодлар томонидан тўпланган билим, одоб, урф-одат, маданият ва меҳнат кўникмаларини ўзлаштириши, ҳаётий тажриба асосида жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши, салоҳияти ва дунёқарашининг шаклланишида педагог шахси, унинг касбий маҳорати муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ёшларда давр талабидан келиб чиқувчи янги масала ва муаммоларни ечиш учун зарур бўладиган сифатларни шакллантириш педагогик фаолият соҳасининг устувор вазифаси ҳисобланади. Бунинг учун аввало педагогнинг ўзида янгича билим бериш, ўзгариб боровчи меҳнат ва ҳаёт шароитларига мувофиқ ижодий фаолият билан шуғуллана олиш кўникмалари таркиб топган бўлиши лозим.

Профессионал компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва

малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши.

Профессионал компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутди. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади.

Профессионал компетентлик қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади: - мураккаб жараёнларда; - ноаниқ вазифаларни бажаришда; - бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда; - кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда касбий компетенцияга эга мутахассис: - ўз билимларини изчил бойитиб боради; - янги ахборотларни ўзлаштиради; - давр талабларини чуқур англайди; - янги билимларни излаб топади; - уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди (2.2.-расм).



2.2.-расм. Касбий компетентлик сифатлари

Қуйида касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатларнинг моҳияти қисқача ёритилади.

1. Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш.

Таълимий компетенциялар икки гуруҳдан иборат:

таянч(умумий)-турли хил ҳолатларда куллаш мумкин.

махсус (фанга оид)-касбий фаолиятда бажариш лозим булган ҳаракатлар.

Таянч компетенциялар:

1. Коммуникатив компетенция;
2. Ахборот билан ишлаш компетенцияси;
3. Шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси;
4. Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси;

5. Умуммаданий компетенциялар;

2. Махсус компетентлик – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади. Улар ўзида қуйидаги мазмунни ифодалайди:

1) психологик компетентлик – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

2) методик компетентлик – педагогик жараёни методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шакллари тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллай олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;

3) информацион компетентлик – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

4) креатив компетентлик – педагогик фаолиятга танқидий, ижодий ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгаллигини намойиш эта олиш;

5) инновацион компетентлик – педагогик жараёни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга самарали татбиқ этиш;

6) коммуникатив компетентлик – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

7) Шахсий компетентлик – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш.

8) Технологик компетентлик – касбий-педагогик БКМни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.

9) Экстремал компетентлик – фавқулотда вазиятлар (табiiй офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик. **Махсус компетенция:**

- Фанига доир махсус методларни билиш;
- Ўқувчилар эҳтиёжини билиш ;
- Турли ёш хусусиятларини билиш;

Касбий компетенция модели жисмоний тарбия ўқитувчиларидан Касбий йуналишга таёргарлиги:

Касбий куникма ва малака:

Касбий билим ва тушинчаларни билишни талаб этади.

2-Мавзу буйича тест саволлари

1. «Компетенция» сўзи қайси тилдан олинган?

- a. лотин
- b. немец
- c. араб
- d. грек

2. мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши.

- a. касбий компотентлик
- b. психологик компотентлик
- c. коммуникатив компотентлик
- d. креатив компотентлик

3. педагогик жараёни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга муваффақиятли татбиқ этиш.

- a. Инновацион компотентлик
- b. Шахсий компотентлик
- c. Креатив компотентлик
- d. Махсус компотентлик

4. Касбий компотентликни ўзига хос жиҳатларин ўрганган олимлар?

- a. А.Маркова, Б.Назарова
- b. Э.Ғозиев, Давлетшин
- c. А.Назарова, Э.Ғозиев
- d. Н.Муслимов, Давлетшин

5. Педагог ходимларнинг ҳуқуқ, бурчлари ва вазифалари қайси ҳужжатлар асосида белгиланади?

- a. Уз.Рес. “Таълим тўғрисида” Конуни, “Мехнат кодекси”
- b. Уз.Рес. “Таълим тўғрисида”, Конуни “Ойла” кодекси
- c. Уз.Рес. Кадрлар таёрлашнинг миллий модули
- d. “Мехнат” кодекси, Мактаб Уставы

3-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙУЛЛАРИ, ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ, ШАХСИЙ КАСБИЙ МАЛАКАЛАР

3.1.Таълим сифатини оширишда педагогик компетенликни ривожлантириш йуллари. Педагогнинг маҳорати шахсий-касбий малакалар

Мустақил таълим муайян фандан ўқув дастурида белгиланган ҳамда талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малака шакллантиришни ўзлаштириш даражасини амалга оширувчи таълим шакли бўлиб, ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари, билимлар тақсимолига тайёргарлиги асосида аудиторияда ёки аудиториядан ташқарида бажарилади. Фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб қуйидаги схемада келтирилган мустақил иш турлари бўйича топшириқлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Талаба томонидан мустақил равишда жавоб ёзишни (реферат ёки ҳисобот шаклида) талаб этувчи саволлар ишлаб чиқилади. Талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган топшириқлар ишлаб чиқилади. Мустақил ишларни уч турга ажратиш мумкин:

Ёзма мустақил топшириқларга қуйидагилар киради: ҳисоблаш учун берилган вазифаларни бажариш, умумлаштирувчи ва такрорланувчи жадвалларни тўлдириш, технологик хариталарни ишлаб чиқиш, лаборатория, амалий ишлар тўғрисида ҳисоботлар тузиш ва шунга ўхшаш вазифаларни ўз ичига олади.

График мустақил топшириқларга қуйидагиларни киритиш мумкин: турли лойиҳаларни тайёрлаш чизмачилик ишларини эскизлаштириш, кесмалар ва кесишмаларни тасвирлаш, (айрим детал ва тугунларни чизиб кўрсатиш ва ҳ.к.), схемалар, графиклар, диаграммаларни тузиш, кузатиш натижаларини тасвирлаш ва шунга ўхшаш вазифаларни ўз ичига олади.

Амалий характердаги мустақил топшириқларга қуйидаги вазифаларни киритиш мумкин: Ўқувчилар ўқитувчи топшириғи асосида мустақил ишни бажариш жараёнида буюм ва маҳсулотларни тайёрлаш, жиҳоз ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш, маҳсулотга ишлов бериш, ҳисоблаш, янги мосламаларни лойиҳалаш, макет ва моделлар, намуналар тайёрлаш каби ишларни амалга оширадилар. Мустақил ишлар мураккаблик даражасига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Дарс ўтилгандан сўнг бажариладиган ишлар, уй вазифаларини бажаришда дарслик, ўқув қўлланмалари билан ишлаш, конспект тайёрлаш.

Типик топшириқларни ечиш. Бунда талаба аввалги билимларини хотирасида қайта тиклайди ва қисман қайтаради.

2. Ўзгартириб, аниқ топшириқларда қўллайди. Масалан: масала, машқ ечиш;

3. Ўрганилган билимларни типик бўлмаган шароитда қўллаш. Талаба ўрганган билимлардан янги шароитда фойдаланади. Шароитларда маълум умумийлик бўлиши мумкин.

4. Ижодий фаолиятга асос яратиш. Бунда талаба ўрганилаётган соҳанинг моҳиятига тушунади, унинг янги муносабат, боғланишларини аниқлайди, ғоялар ва тушунчаларни янги шароитга боғлайди.

Барча мустақил ишлар ўқувчиларда ижодий ишлаш кўникмасини ҳосил қилишга қаратилган. Ўқувчи ижодий ишлашга ўргатилмаса, у маълум мавзуга оид материалларни турли манбалардан кўчириб келиш билан кифояланиб қолиши ҳамда ўзи мустақил фикр билдиришга қийналиши мумкин.

Бугунги кунда мустақил иш сифатида кўпроқ репродуктив топшириқлар берилади, аммо ижодий фаолиятни талаб этувчи топшириқлар камдан-кам ҳолда қўлланади. Натижада ўқувчиларда мустақил ва ижодий фикрлаш қобилияти шакллантирилмайди.

Мустақил ишларни индивидуал - дидактик мақсадларни амалга ошириш нуқтаи назаридан ҳам 4 гуруҳга ажратиш мумкин:

1) Билимларни дастлабки шаклланишига, идрок қилишга ундайдиган вазифалар. Бунда ўқувчилармақсадга эришиши учун нима талаб қилинишини билиши лозим. Вазифалар - ахборотларни, маълумотларни ўзлаштиришга қаратилган бўлади.

2) Ўзлаштиришга ахборот, маълумотларни хотирада сақлаш ва қайта жонлантириш ва қайта ишлашга қаратилган топшириқлар. Бунда аввал эгалланган билимларни тўғри жалб қилиш, фаоллаштириш асосида бажариладиган ҳамда аниқ шароитда татбиқ этиш талаб қилинадиган вазифалар берилади.

3) Аввал ўзлаштирилган, қолипга тушган, тажриба тўпланиши натижасидаги билим, малака, кўникмаларга янгича нуқтаи назардан ёндашишни талаб қилувчи топшириқлар. Уларда масаланинг моҳиятини излаш, янгича ечимлар топиш, янгича ғоя, фикрлар билан ифодаланиш талаб этиладиган вазифалар берилади.

4) Ижодий фаолиятга ундовчи топшириқлар.

Бунда, янги ёки олдиндан маълум бўлсада, унгача бошқача нуқтаи назардан қаралган ғоя, фикрларни тадқиқ қилиш, яъни ахборотлар тўплаш, улар устида ишлаш, ўз фикрини билдиришга ундайдиган топшириқлар, вазифалар берилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек мустақил ишлар ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини мустаҳкамлашга, малака ва кўникмаларни шакллантиришга катта хисса қўшади. Бугунги кунда малакали мутахассис тайёрлаш жараёнини мустақил ишларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, айнан мустақил ишларни бажариш жараёнида ўқувчиларда танқидий, ижодий фикрлаш рефлекслари ривожлантирилади. Аммо мустақил ишларни ташкил этиш жараёнида маълум қийинчиликлар ва муаммолар ҳам мавжуд:

1. Тарқатма материалларни тайёрлаш масаласи. Педагог томонидан тайёрланган тарқатма материаллар ҳар бир талаба учун кўпайтирилиши лозим. Груҳда ўқувчилар сони ўртача 20 та бўлиши мумкин. Ҳар бир тарқатма материални 20 тадан кўпайтириш учун маълум маблағ талаб этилади. Педагог ҳар гал ўз ҳисобидан маблағ ажартиш имконига эга эмас.

2. Дарс жараёнида ташкил этилувчи мустақил ишларни баъзан кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитиш усулидан фойдаланган ҳолда ўтказиш талаб этилади. Бунинг учун кичик гуруҳларда ишлашга қулай аудиториялар талаб этилади, аммо бундай имкониятлар олийгоҳларда ҳозирча йўқ.

3. Кўпчилик педагоглар мустақил ишларни ташкил этиш маҳоратига эга эмас.

4. Инсоннинг ривожланишини ва шахс сифатида шаклланишининг асоси фаолиятдир. Фаолият жараёнида қанчалик кўп саволлар ва қизиқиш вужудга келса, шунча катта ривожланишни кутиш мумкин. Фаолият жараёнида тафаккурда сифат ўзгаришлар рўй беради. Яъни дунё ҳақидаги тасаввур ва тушунча бойиб боради. Эмоционал хотира ўрнига мантикий хотира вужудга келади. Бевосита идрок ўрнини мақсадга қаратилган кузатиш эгаллайди. Тасаввур ижодий характер касб этади. Фаолиятда мотив катта ўрин эгаллайди. Мотив хилма-хил бўлиши мумкин бу қизиқиш, жавобгарликни сезиш, мусобақаланиш каби мотивлар бўлиши мумкин. Ўқув жараёнида мустақил ишларни ташкил этар эканмиз ўқувчиларда биринчи галда мотивацияни уйғотишга эътибор қаратишимиз лозим. Мотивация шахсни ҳаракатлантирувчи кучдир. Аммо бугунги кунда педагоглар мустақил ишларни ташкил этиш жараёнида ана шу омилга камроқ эътибор қаратадилар. Бу эса ўз-ўзидан мустақил ишларни самарадорлигини пасайишига олиб келади.

5. Мустақил ишларни бажариш учун ўқувчилар талаб этилувчи билимлар билан яхши қуролланган, мавзунини чуқур ўзлаштирган бўлишлари лозим. Агар маъруза дарсида талаба етарли тушунчага эга бўлмаган бўлса, у топшириқни ижобий ҳал этиш имконига эга бўлмайди. Шунинг учун мустақил ишларни ташкил этишда аввалам бор билимларни фаоллаштириш, эслаш, коррективировка қилиш ва ягона хулосага келиш мақсадга мувофиқ.

Мустақил фаолиятни ташкил этиш жараёнида ўқитувчи кўпроқ дидактик материаллардан фойдаланади. Дидактик материалларга Ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш ҳамда фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган муаммоли, қизиқарли саволлар, ижодий топшириқлар, лойиҳалар ўйинлар, кроссвордлар каби материаллар киради (3.1- расм).



3.1.расм. Дидактик материаллар.

Шунингдек ўқитиш жараёнида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган тарқатма материаллар, карточкалар, саволномалар, йўриқномалар, амалий ишни ташкил этиш бўйича технологик хариталар киради.

Дидактик топшириқлар ва материалларни ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- 1.Муаммоларни ҳал қилишга йўналтириш;
- 2.Тадқиқотлар олиб боришга йўналтириш;
- 3.Турли вазиятлар ва ҳолатлар таҳлиliga қаратиш;
- 4.Тажрибалар ва машқлар ўтказишга мулжаллаш;
- 5.Янгиликларни излаш ва топишга йўналтириш.

Мустақил ўрганишни таъминловчи ва амалиётларни ўтказишга йўналтирилган ўқув материалларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Буларга йўналтирувчи матнлар, лойиҳалар ва модулларни мисол қилиш мумкин. Бу ўқув материаллари ўқувчиларни мустақил билим олиш ва меҳнат фаолиятига йўналтиради. Ўқув материаллари ўқувчиларнинг фанга тегишли фаолият усули бўйича назарий маълумотлар билан бир қаторда етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлари учун турли хилдаги, ҳажмдаги ва мураккабликдаги савол ва топшириқлар тизimini қамраб олиши керак.

Ижодий топшириқлар таркибига ижодий машқ, ижодий мустақил иш, турли дидактик ўйинлар киради. Агар ижодий машқ воситасида ўрганилган билимлар янги ўқув ҳолатларига татбиқ қилинса, ижодий мустақил иш дилиллардан янги хулосалар чиқариш ҳамда янгича фаолият усулларини фаолиятда қўллаш билан ажралиб туради.

Муоммали вазиятлар ва ижодийўқув топшириқларини ишлаб чиқишда қуйидаги қоидаларга риоя этилиши тавсия этилади:

-топшириклар ҳақиқий вазиятлар билан боғлиқ муаммоларга қаратилиши керак;

-ўқув топшириғидаги муаммони ҳал этишда ўқувчилар ақлий фаолиятини турли усуллар ёрдамида ривожлантиришни кўзда тутди;

-топшириклар мазмунида акс эттирилган ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги муҳим боғлиқлик кўрсатилиши керак;

-топшириклар ечимини аниқлаш ва ўқувчилар онгида ҳодисалар ёки жараёнлар ўртасида боғлиқликни мустаҳкамлаш имкониятларини назарда тутилиши лозим;

-топширикларни бажариш жараёнида талаба оддий тушунчалардан, у ҳали ўзлаштирилмаган янада мураккаброқ тушунчани келтириб чиқариш имконини бериши лозим;

-топширикни бажариш жараёнида оддий тушунчалар талабага маълум бўлмаган тушунчалар билан ўзаро таҳлил қилинади;

-топширикни бажаришда талаба тушунчаларнинг шакли ва мазмунини ўзгартирмасдан ва ўзгартириб, уларни қайта ишлаб чиқади.

Мустақил ишлар талабанинг умумий ривожланишига ва касбий маҳоратини ўстиришга хизмат қилиши керак. Шунингдек ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишларини ташкил қилиш тарбиявий, таълимий аҳамиятга ҳам эга бўлиши керак. Тарбиявийаҳамияти шундаки, талаба ўз билимини ошириш ва мустаҳкамлаш учун ўзини-ўзини тарбиялаб боради. Таълимий аҳамияти эса талаба бўш вақтдан самарали фойдаланган ҳолда мустақил билим олиш жараёнининг шаклланишига олиб келади.

Мустақил ишларнинг турлари, шакллари танлашда “оддийдан-мураккабга” ҳамда “умумийдан-хусусийга”, “мавхумдан-аниқликка” тамойилларига амал қилиш лозим. Мустақил ва ижодий иш топшириқларини ишлаб чиқишда ҳар бир талаба шахсий имкониятлари, тушунувчанлик, ўқув материални ўзлаштириш даражаси инобатга олиниши, шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

“Кластер” методи

“Кластер” (*гунча, боғлам*) методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у Талабаларга ихтиёрий (мавзу)лар хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тўзилмани аниқлашни талаб этади. “Класстер” методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг талабалар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Кичик гуруҳчалар усули.

Бу усулда гуруҳ талабалари неча гуруҳга булинади, ҳар бир гуруҳда 4-5 тадан талаба бўлиши мумкин. Ҳар бир гуруҳнинг раҳбари тайинланади. Уларга олдиндан вазифа берилади. Гуруҳ талабалари семинарга биргаликда

тайёрланиб ўз саволларини тулик очиб беришга ҳаракат қилишлари керак. Бошқа гуруҳлар асосий маърузачига саволлар берадилар, саволларга гуруҳнинг талабалари жавоб беришда ёрдам берадилар. Асосий маърузачи химоясидан сўнг апонентлар саволни янада тўлиқроқ изохлаб беришлари керак. Учинчи ва тўртинчи гуруҳ талабалари ўзларини фикрларини билдиргач, тадқиқот олиб борган гуруҳга баҳо қўйиб изох беришлари керак. Бундай усулда иш олиб бориш учун гуруҳларни тўзишда талабаларнинг билими тенг бўлишига ҳаракат қилиш керак. Гуруҳ раҳбари қилиб яхши ўзлаштирувчи талабаларни танлаш лозим. Бу усулда талабаларнинг мустақил ишлаши, ижодий ёндашиши, коллектив бўлиб иш бажариш каби малакалари ривожланади. Талабаларнинг ўзаро муносабати чуқурлашади ва индивидуал хусусиятлар намоён бўлиши ортади.

«Ақлий ҳужум» методи

Кейинги пайтда мия иш фаолиятининг фойдали иш коэффицентини оширишга мўлжалланган турли хил методлар ишлаб чиқилмоқда. «Ақлий ҳужум» – «*брейнсторминг*» (*brain storming*) инглизча сўздан олинган бўлиб, фаол таълимнинг, бошқарувнинг ва тадқиқотнинг методларидан бири ҳисобланади. Бу метод ақлий фаолликни кўзгатади, ижодий ва инновацион жараёнларни жадаллаштиради.

Бу методнинг пайдо бўлиши иккинчи жаҳон урушида Япон денгизида хизмат қилган америкалик мутахассис А.Осборн билан боғлиқ.

“Ақлий ҳужум” методини ўтказилиш технологиясини қуйидагича тушунтирса бўлади.

“Ақлий ҳужум” методини ўтказувчи киши маълум муаммони илгари суради ва иштирокчилардан бу муаммони ҳал қилиш бўйича қандай мулоҳазалари борлигини ҳамда улардан энг кутилмаган фикрларни ҳам илгари суришларини сўрайди. Методни ўтказувчи киши барча фикрларни ёзиб боради. Шу ўринда айтилаётган фикрларга нисбатан танқидий муносабат билдирмайди ва фикрлар охи-ригача ёзиб борилаверади.

“Ақлий ҳужум” методини ўтказишдан кўзланган мақсадлар қуйидагилар:

- муаммони ҳал қилиш учун ғояларни чиқариш;
- ғояларни уларнинг аҳамиятлигига қараб, тартиблаш;
- фаол фикрлаш малакасини шакллантириш;
- кутилмаган ғояларнинг пайдо бўлиш жараёнини намойиш қилиш;
- топилган ғоялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Ижод психологиясида таъкидланадики, ғояларни ишлаб чиқиш жараёнида танқидий фикрлар бу жараёни секинлаштиради. Ҳатто энг кучли ғоялар генератори ҳам танқидчиларга қаршилиқ кўрсатишга ожизлик қилиши мумкин.

“6Х6Х6” методи

Бу метод ёрдамида бир вақтнинг ўзида 36 нафар талабани муайян фаолиятга жалб этиш орқали маълум топшириқ ёки масалани ҳал этиш, шунингдек, гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси имкониятларини аниқлаш,

уларнинг қарашларини билиб олиш мумкин. “6х6х6” методи асосида ташкил этилаётган машғулотда ҳар бирида 6 нафардан иштирокчи бўлган 6 та гуруҳ ўқитувчи томонидан ўртага ташланган муаммо (масала)ни муҳокама қилади. Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи 6 та гуруҳни қайта тўзади. Қайтадан шаклланган гуруҳларнинг ҳар бирида аввалги 6 та гуруҳдан битадан вакил бўлади. Янги шаклланган гуруҳ аъзолари ўз жамоадошларига аввалги гуруҳ томонидан муаммо (масала) ечими сифатида тақдим этилган хулосани баён этиб берадилар ва мазкур ечимларни биргаликда муҳокама қиладилар.

“6х6х6” методининг афзаллик жиҳатлари қуйидагилардир:

- гуруҳларнинг ҳар бир аъзосини фаол бўлишга ундайди;
- улар томонидан шахсий қарашларнинг ифода этилишини таъминлайди;
- гуруҳнинг бошқа аъзоларининг фикрларини тинглай олиш кўникмаларини ҳосил қилади;
- илгари сурилаётган бир неча фикрни умумлаштира олиш, шунингдек, ўз фикрини ҳимоя қилишга ўргатади.

Энг муҳими, машғулот иштирокчиларининг ҳар бири қисқа вақт (20 дақиқа) мобайнида ҳам мунозара қатнашчиси, ҳам тингловчи, ҳам маърузачи сифатида фаолият олиб боради.

"Юмалоқланган қор ўйини" методи

Ушбу метод ҳам мавзунини муайян қисмларга бўлган ҳолда ўзлаштириш имконини беради ҳамда талабаларда гуруҳ ва жуфтликда ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Методни қўллаш жараёнида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- тасвирли карточкалар тайёрланади;
- уларнинг орқа томонига мавзунини ўзлаштиришга оид ўн беш вариантдан иборат топшириқлар ёзилади;
- талабалар икки ёки уч гуруҳга бўлинадилар (гуруҳларни ҳосил қилишда тасвирли карточкалардан фойдаланилади);
- ҳар бир гуруҳ аъзолари бир нечта жуфтликларга бириктириладилар;
- ҳар бир жуфтлик бир вариантдаги топшириқни бажаради;
- жараён якунида умумий хулосалар чиқарилади.

“Юмалоқланган қор ўйини” методидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланиш ниҳоятда қулай.

"Қарама-қарши муносабат" методи

Метод ўз моҳиятига кўра ўзлаштирилган билимларни таҳлил ва синтез қилиш асосида асосий ҳамда иккинчи даражали маълумотлар сифатида гуруҳларга ажратиш имконини беради. Методни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- мавзунинг умумий мазмуни ёдга олиниб, унинг аҳамиятини ёритувчи таянч тушунчалар аниқланади;
- улар муайян кетма-кетликда қайд этилади;
- тушунчалар шахсий ёндашув асосида муҳим ва у қадар муҳим бўлмаган тушунчалар тарзида гуруҳланади;
- жадвал яратилиб, унинг 1-устунига муҳим бўлган, 2-устунига муҳим бўлмаган тушунчалар ёзилади;
- кичик гуруҳлар асосида шахсий ёндашувлар муҳокама қилинади;
- жамоанинг умумий фикрига кўра якуний хулосани ифода этувчи жадвал яратилади.

"Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим" методи

Ушбу метод талабаларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олишимконини беради.

Методни қўллаш жараёнида талабалар билан гуруҳли ёки оммавий ишлаш мумкин.

Гуруҳ шаклида ишлашда машғулот якунида ҳар бир гуруҳ томонидан бажарилган фаол ият таҳлил этилади. Гуруҳларнинг фаолиятлари қуйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:

- 1) ҳар бир гуруҳ умумий схема асосида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради ва машғулот якунида гуруҳларнинг муносабатлари лойиҳа бандлари бўйича умумлаштирилади;
- 2) гуруҳлар умумий схеманинг алоҳида бандлари бўйича ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради.

Ўқув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган қуйидаги схема асосида ташкил этилади:

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

↓
Методдан фойдаланиш уч босқич асосида амалга оширилади, яъни:

1. Талабаларнинг ўрганилиши режалаштирилаётган мавзу бўйича тушунчаларга эгаллик даражалари аниқланади.

2. Талабаларнинг мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади.

3. Талабаларни мавзуга оид маълумотлар билан батафсил таништирилади.

Босқичлар бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг тўлиқ тафсилоти қуйидагича:

- Талабалар гуруҳларга бириктирилади;
- Талабаларнинг янги мавзу бўйича тушунчаларга эгаллик даражаси ўрганилади;
- Талабалар томонидан қайд этилган тушунчалар лойиҳанинг 1-бандига ёзиб борилади;

- Талабаларнинг янги мавзу бўйича мавжуд билимларни бойитишга бўлган эҳтиёжлари сифатида баён этилган тушунчалар лойиҳанинг 2-бандига ёзиб қўйилади;
- ўқитувчи Талабаларни янги мавзуга оид умумий маълумотлар билан таништиради;
- Талабалар ўзлаштирган янги тушунчалар аниқланади;
- баён этилган янги тушунчалар лойиҳанинг 3-бандига ёзиб қўйилади;
- машғулот якунида ягона лойиҳа яратилади.

"Зиг-заг" методи

Метод талабалар билан гуруҳ асосида ишлаш, мавзунинг тезкор ва пухта ўзлаштиришга хизмат қилади. Методнинг афзаллиги қуйидаги жиҳатлар билан белгиланади:

1. Талабаларда жамоа бўлиб ишлаш кўникмаси шаклланади;
2. Мавзунинг ўзлаштиришга сарфланган вақт тежалади

“Зиг-заг” ёки “Бошқаларни ўқитиш” методи

“Зиг-заг” методининг қўлланиш қоидаси қуйидагича:

- 1 – босқич. Кичик гуруҳлар ташиқил этилади.
- 2 – босқич. Ҳар бир гуруҳ иштирокчиларига 1, 2, 3 рақамлари ёзилган қоғозлар (топириқлар сонига қараб) тарқатилади.
- 3 – босқич. Ҳар бир гуруҳдаги иштирокчилар алоҳида стол атрофида бирлашади (1,1,1,1), (2,2,2,2), (3,3,3,3) ва ушбу гуруҳларнинг ҳар бирига алоҳида топириқлар берилади (мисол учун 1-гуруҳга методик, 2-гуруҳга илмий, 3-гуруҳга дидактик таҳлил).
- 4 – босқич. Гуруҳ иштирокчилари белгиланган вақт оралиғида берилган таҳлил турларини пухта ўрганадилар ва ҳар бир иштирокчи “ўқитувчи” даражасига кўтарилади.
- 5–босқич. Ҳар бир иштирокчи аввалги ўрнига қайтади ва ўзининг пухта ўрганиб келган материални (дарс таҳлили турини) шерикларига галма-галдан тушунтириши керак. Мана шу тартибда дарс таҳлили турлари талабалар томонидан мустақил ўрганилади. Ва бу ишларнинг тақдими ўтказилади.


Дарс таҳлилининг қайси тури бўйича тақдимот қилиш ўқитувчи томонидан белгиланади, яъни гуруҳлар тақдимот қилиб берадилар. Ҳар бир гуруҳлар тақдимотини қолган гуруҳлар баҳолайди.

Баҳолаш мезони максимал – 10 балл. Мазмун – 6 балл, тақдимот – 4 балл. Ҳолиб гуруҳ ўқитувчи томонидан рағбатлантирилади.

“Вен диаграммаси” методи

Ушбу метод Талабаларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. “Вен диаграммаси” методи кичик гуруҳларни шакллантириш асосида схема бўйича амалга оширилади.

Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қуйидаги схема чизилади:



Метод Талабалар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билимлар, маълумотлар ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ушбу методдан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

Методни қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат:

- Талабалар тўрт гуруҳга бўлинади;
- ёзув тахтасига топшириқни бажариш моҳиятини акс эттирувчи схема чизилади;
- ҳар бир гуруҳга ўзлаштирилаётган мавзу (бўлим, боб) юзасидан алоҳида топшириқлар берилади;
- топшириқлар бажарилгач, гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади;
- лидерлар гуруҳ аъзолари томонидан билдирилган фикрларни умумлаштириб, ёзув тахтасида акс этган диаграммани тўлдирадилар.

Хулқ-атвор-ахлоқшунослик тушунчаларидан бири. Инсоннинг феъл-атвори билан боғлиқ ахлоқий ҳодиса булиб, киши феълининг ахлоқийлик доирасида намоён бўлиши тушунилади.

Билим - бунда болалар ўқиш орқали билим билан қуролланадилар. Билимни ҳаётда кўп унум берадиган қилиб қўллай олиш учун билим билан бирга кўникма ва малака ҳосил қилиш лозим.

Малака-иқтидор ва кўникма машқ қилиш ва такрорлаш орқали малакага айланади.

Муносабат-кишилар ўртасидаги ўзаро мулоқат, маданият бу муносабат

Мотив-

1) инсонни ўқишга ёки муайян ҳаракатларни бажаришга ундовчи турл сабаблар йиғиндиси;

2) таълим олувчининг маълум эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ фаолиятга мойиллиги.

Мотивлаштириш-бу маълум эҳтиёжлардан келиб чиқиб кишилар фаолиятини психологик таъсир этиш йўллари билан мақсадга мувофиқ йўналштиришдир.

Компетенция-соҳага оид билим, кўникма, малака, қарашлар мажмуи, шахсининг қадрияти ва сифатлари, квалификациянинг намоён бўлиши ёки таъсир кўрсатиш қобилияти.

Компетентлик-муайян лавозимга мос ўз касбининг моҳир эгаси бўлган шахсга хос сифат.

Касбий компетенцияни шаклланиш босқичлари:

Ўз-ўзини таҳлил қилиш ва зарур нарсаларни англаш;

Ўзини ривожлантиришни режалаштириш мақсад, вазифа белгилаш;

Ўзини намоён этиш ва камчиликларини тузатиш;

3-Мавзу бўйича тест саволлари

1. “Таълим – тарбияда рўй берадиган кўпгина камчиликлар педагог ўз педагогик қобилиятининг амалий йўналишларини яхши билмаслиги,

истеъдоднинг педагогда йўқлиги натижасида рўй беради” деган эди?

- a. Н.Кузьмина
- b. Фаробий
- c. Д.Ушинский
- d. Сухомлинский

2. педагогнинг нафақат таълим–тарбия жараёнида, балки бутун касбий фаолиятида зарур бўлган умумий педагогик билим ва малакалари мажмуидир.

- a. Педагогик техника.
- b. Педагогик қобилият
- c. Педагогик маҳорат
- d. Дикция

3. Перцептив қобилиятларга нималар киради?

- a. диққат, кузатувчанлик, хаёл.
- b. Сизги, таффакур, диққат.
- c. Диккат, хаёл.
- d. Таффакур, хаёл.

4. Мактаб ишига олий педагогик маълумотга эга бўлган кадрлар, мактаб эҳтиёжига кўра, директорнинг буйруғи асосида, биноан қабул қилинади.

- a. Шартнома
- b. Устав
- c. Келишув билан
- d. Паспорт асосида

5. Тарбия методлари неча турга бўлинади?

- a.3
- b.4
- c.8
- d.2.

4-МАВЗУ: ПЕДАГОГНИНГ АУТОПСИХОЛОГИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ ВА ПРОФЕССИОНАЛ КОМПЕТЕНЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

2.1. Педагогнинг аутопсихологик компетенциялари. Профессионал компетенликни ривожлантириш технологиялари

Аутопсихологик компетентлик бош психологик-акмеологик босқичли фаоллик куўрсатиш фахат шахсининг ўз(педагогнинг) изланиши потенциалига боғлиқ. У онгли шахсининг индивидуал ва шахсий хусусиятларига керак булган билимнинг турмушта хар хил вазиятларида ўзида қўлланиши билан боғлиқ. Юқори даражадаги аутопсихологик компетентликни ўз ишки ресурсларини бошқаришда самарали қўллаш ҳисобланади.

Психологик-педагогик компетентлик тушунчаси педагогнинг ўқувчи шахсининг ривожланиш меъёрларини ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнига мос методларни танлай билиши, ўз меҳнатининг асосий қадрияти ўқувчи эканлигига эътибор қаратиши, ўз-ўзини англаши ва ўзини ўзгартириш эҳтиёжига эга бўлиши билан белгиланади. Психологик-педагогик компетентликнинг асосини педагогнинг турли ёш гуруҳлари босқичида ўқувчи шахсининг ривожланиш қонуниятларига риоя этган ҳолда таъсир этувчи фаол билими ва ҳаракати ташкил этади. Педагогнинг касбий компетентлиги. Ўзбекистонда педагогнинг касбий компетентлиги, унинг ўзига хос жиҳатлари ўранилган бўлиб, улар орасида Б.Назарова томонидан олиб борилган тадқиқот ўзига хос аҳамият касб этади.

Тадқиқотчининг фикрига кўра педагогга хос касбий компетентлик негизида қуйидаги таркибий асослар ташкил этади;

Махсус ёки касбий компетентлик:

Ижтимоий компетентлик:

Аутопсихологик компетентлик:

Экстремал касбий компетентлик:

Педагогик компетентликнинг таркибий асослари Касбий-педагогик компетентликка эга бўлишда ўз устида ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади. Бугунги кунда ижодкорлик, яратувчанлик, янгилик яратишга қаратилган фаолият креатив фаолият деб тушунилади.

Креативлик сўзи (инглизча “create” – яратувчанлик, ижодкорлик) сўзидан олинган бўлиб, инсон шахсининг ижодкорликка бўлган қобилияти,

ижодкорлик истеъдод даражаси, индивиднинг анъанавийлик ёки одат тусига кирган фикрлаш схемасидан узоқ бўлган, принципиал янги ғояларни яратишга тайёрликни характерловчи, шунингдек, муаммоларни ўзгача тарзда бартараф этиш, иқтидорнинг мустақил фактори сифатида қабул қилинган ижодий қобилиятларидир. Америкалик олим **Д. Векслер** “Креативлик фикрнинг шундай турики, ушахсга бир муаммо ёки масала юзасидан бирданига бир нечта ечимлар пайдо бўлишини тақозо этади ва шаблонли, зерикарли фикрлашдан фарқ қилиб, нарса ва ҳодисалар моҳиятидаги ўзга хослик, ноёблик сифатларини англашга ёрдам беради ” - деб таъриф беради.

Таркибий асослар. Махсус ёки касбий компетентлик (касбий фаолиятни юқори даражада ташиқил этиши) Аутокомпетентлик (ўзини ижтимоий- касбий ривожлантира олиши) Экстремал касбий компетентлик (кутилмаган вазиятларда ишлай олиши) Ижтимоий компетентлик (касбий фаолиятни ҳамкорликда ташиқил этиши, ижтимоий масъуллиқ) Шу туфайли, креатив қобилиятларнинг ривожланиши фақат махсус ташиқил қилинган муҳит бўлиши лозим. Келажакда ижодий қобилиятлардан фойдаланиши учун таълим жараёнига таълим жараёнига махсус топшириқларни киритиши зарур

А.Маслоу ҳам креативликни - барчага хос туғма ижодий йўналиши, атроф

муҳитнинг таъсирида кўпчиликда йўқолиб кетувчи фаолият деб ҳисоблаган. Педагог томонидан ушбу шаклларда касбий фаолиятнинг самарали

ташиқил этилиши унинг креативлиги қай даражаа эканлигига боғлиқ бўлади.

Ўз-ўзини самарали бошқариш (ривожлантириш)нинг 37 қондаси

1. Камолотга ва такрорланмас (ягона) бўлишга интилинг!
2. Ўз-ўзини таҳлил қилишга эътибор қаратинг!
3. Ўзингизга нисбатан талабчан бўлинг!
4. Ўзингиз учун гоҳо-гоҳо дам олишни уюштиринг, “меҳнатнинг қули” бўлманг!
5. Бошқаларга ачининг, бироқ, ўзингизга ачинишингизга йўл кўйманг!
6. Ўз орзу-истакларингизнинг қулига айланманг!
7. Ўзингиз учун ўзига хос ҳаёт тарзини яратинг!
8. Мулоқот маданиятини ўзлаштиринг!
9. Жиддийлик, босиқлик талаб этилганда жиддий, босиқ бўлинг!
10. Ўзингизнинг кучингиз ва қобилиятингизга ишонинг!
11. Вақт тутқич бермайди, уни қўлдан бой берманг!
12. Хатолар сабоқ чиқаришингизга ёрдам беради, унутманг, ҳатто қироллар ҳам хатога йўл қўядилар.
13. Вақти-вақти билан танаффус қилишга, нафас ростлашга

- ҳаракат қилинг!
14. Илм ўрганинг!
 15. Ўтмишга назар ташламанг, бугун билан яшанг ва эртани ўйланг!
 16. Меҳнат инсонни такомиллаштиришини унутманг!
 17. Ҳаракатларингизнинг изчил бўлишига эришинг!
 18. Бугун бажаришингиз мумкин бўлган ишни эртага қолдирманг!
 19. Бошқаларни нима учун кечира олмасангиз, ўзингизни ҳам ана шулар учун кечирманг!
 20. Ўз устингиздан ҳукмронлик қилишингиз, бошқаларнинг устидан ҳукмронлик қилишингизнинг гаровидир!
 21. Бошқалардан улар мукамал бўлмаганликлари учун хафа бўлманг!
 22. Ўз ҳиссиётларингизни бошқара олсангиз, енгилмас бўласиз!
 23. Руҳий зўриқишлар (стресс)ларни бартараф этишни ўрганинг!
 24. Иродангизни чиниқтириб боринг!
 25. Ўз танангизни назорат қилишни ўрганинг, унинг ҳукмдорига айланасиз!
 26. Камчиликларингиз билан курашишда моҳир жангчи бўлинг!
 27. “Оқ қарға” бўлиш (бошқалардан ажралиб туриш)дан қўрқманг!
 28. Ўз олдингизга аниқ мақсад қўйишни ўрганинг!
 29. Олий мақсадларга интилишни ўрганинг!
 30. Кўпчилик ўрнига ишлаш – қорға ёзиш каби бефойда эканлигини унутманг!
 31. Тартиб - тартибли бўлишнинг муҳим омили!
 32. Ўзингизни ҳимоя қилишни, ғурурли бўлишни ўрганинг!
 33. Иззатталаблгингиздан фойдаланиб, қирол бўлинг!
 34. Ҳийла-найрангларнинг қурбони бўлманг!
 35. Хатти-ҳаракатларингиз устидан интуиция (ички сезги)нингизнинг устун келишига йўл қўйиб беринг!
 36. Ўзингизга тез-тез “Нима учун?” деган саволни бериб туринг!
 37. Муваффақиятсизликлардан чўчиманг – улар Сизни олға интилишга рағбатлантиради!

Коммуникатив қоблиятни ривожлантириш “Тортинчоқ талабалар билан мулоқот” машқи

«Тортинчоқ ўқувчилар билан мулоқотни ташкил этинг. Машқ жараёнида ўқувчилардаги ўзига нисбатан ишончсизлик, ҳадик ва қўрқувни енгиллаштириш учун имконият яратинг. Бунинг учун мимика, пантомимика ва жестлардан, рағбатлантирувчи сўзлардан фойдаланинг. Бу каби ўқувчилар билан мулоқотга киришишнинг психологик жиҳатларини таҳлил қилинг».

Педагогларнинг компетенцияларини баҳолаш:

.	Фавкулотда вазиятлар (табiiй офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эғалик. Ушбу малакаларга эғаликни ифодаловчи компетентликка хос сифат	А	аутокомпетентлик
.	Ўзини ижтимоий касбий ривожлантира олиш	В	Экстремал компетентлик
.	Индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрлигини тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирадиган ижодий қобилияти	С	Педагогик билим
.	Ўқитувчи-тарбиячининг педагогик метод, усул ва воситаларни режали ва кутилган натижаларга эришишга имкон берадиган, шахсга ва жамоага аниқ тасир кўрсатадиган жиҳатларини танлаш тизими	Д	Технологик тизим
.	Болаларни ўқитиш ва тарбиялаш, таълим ҳамда тарбия жараёнини ташкил этиш асосида шахсни ҳар томонлама камол топтиришга доир тизимланган маълумотлар йиғиндисини	Е	креативлик

Жавоб: 1- 2- 3- 4- 5-

Жавоб: 1-в 2-а 3-е 4-д 5-с

Замонавий педагог кадрлар янги мавқега эга бўлиб, унинг вазифаси энг аввало ёшларни мустақил билим олиш фаолиятини ташкил этишга, билимларни мустақил эғаллашга ва уларни амалиётда қўллаш малакаларини шакллантиришга қаратилмоғи лозим. Педагог бундай мақсадларда, ўқитишнинг методлари, технологияларини шундай танлаш керакки, улар ёшларга нафақат тайёр билимларни ўзлаштиришларида, балки билимларни турли манбалардан мустақил эғаллашлари, ўзларида шахсий нуқтаи назарнинг шаклланиши, уни асослаши ва эришилган билимларни янги билимлар олишларида фойдаланиш малакаларига эга бўлишлари лозим. ятнинг ахборотлашуви даврида устуворлик – ўқишга ўргатишга йўналтирилган.

Кейинги йилларда таълим муассасаларида ўқувчиларнинг мустақил таълим олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки эндиликда таълим беришнинг анъанавий усуллари орқали ўқувчиларни мустақил фикрлашга, фаолликка ўргатиб бўлмайди.

Мустақил таълим олиш технологияси ўзининг конгнитив мазмунига кўра қуйидаги тамойилларга эга:

- касбий йўналганлик;
- ўқув менежменти;

– мустақил ишлашнинг турли шакллари (масалан, касбий фанлар ёки ижтимоий фанлар бўйича тузилган индивидуал дастурлар бўйича таълим олиш);

– ўз-ўзини бошқаришни таъминлаш ва таълим олувчиларининг ижтимоий сафарбарлигини ошириш, ўқувчиларни дидактик қўлланмалар билан таъминлаш;

– таълимда сифатий кўрсаткичларга эришиш мақсадида гуруҳларда фаолият кўрсатишга имкон яратиш;

Таълимдаги касбий йўналганликни таълим мазмунини ўқитишнинг шакл ва методларини охириги мақсад – рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга йўналтириш тарзида тушунмоқ керак. Шу сабабали бу ўринда талабанинг мустақил фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Мустақил ишларнинг ажралмас қисми бу мустақил таҳсилдир. Ўқувчиларнинг мустақил таҳсили уларни ўз билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш, мавжуд малака ва кўникмаларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг янгиларини ўзлаштиришга бўлган интилишидир.

Мустақил таҳсилнинг асосий мақсади ўқувчиларни шахсий ва касбий сифатларини шакллантиришда ўз устида ишлаш устунлигидир. Мустақил таҳсилнинг асосий методи адабиётлар устида индивидуал ишлашдир. Бу метод ахборотлар оқимида энг зарур ахборотни топиш, унга баҳо бериш, ушбу ахборотдан ўзининг касбий фаолиятида фойдаланиш малакасини шакллантиради.

Ўқувчилар мустақил ишини ташкил этишда муайян фаннинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- Президент асарлари ва иқтисодий масалаларни тадқиқ қилишга бағишланган илмий адабиётларни конспект қилиш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- берилган мавзулар бўйича реферат, ахборот тайёрлаш;
- ўрганилаётган фаннинг энг долзарб муаммоларини қамраб олувчи рефератлар ёзиш;

Ўқувчилар мустақил ишини шартли равишда иккига ажратиш мумкин: Аудиторияда амалга оширилган мустақил ишлар. Ўқитилган мавзунини қайта ишлаш, кенгайтириш ва мустахкамлашга оид топшириқлар бажарилади;

Ўқув дастуридаги айрим мавзуларни мустақил ҳолда ўзлаштириш, уйга берилган вазифаларни бажариш, амалий ва лаборатория ишларига тайёргарлик кўриб келиш, ижодий ва илмий-тадқиқот характеридаги ишлар аудиториядан ташқарида амалга оширилган мустақил ишлар қаторига киради.

Биринчи тур ишлари ўқувчиларнинг назарий ва амалий билимларини ўзлаштириб бориш даражаси, амалий машғулотларга (амалиёт, лаборатория,

семинар дарслари) тайёргарлик савияси ва уй вазифаларининг бажарилиш сифатини текшириш мақсадида, одатда, назорат ишлари олиш, савол-жавоб, суҳбат, мунозара, амалий топшириқларни бажартириб кўриш ва ҳ.к. усулларда асосан амалиёт дарсларида назорат (жорий назорат) қилинади.

Жорий назоратда талабанинг дарс пайтида ўтилган материалларни ўзлаштириш ва уйга берилган вазифаларни бажаришдаги фаоллиги, бажариш савияси ва ўзлаштириш даражаси эътиборга олинади.

Иккинчи тур ишлар фаннинг ишчи ўқув дастурида аудиториядан ташқарида ўзлаштирилиши белгиланган мавзу бўйича маълумот ва ахборотларни мустақил равишда излаб топиш, таҳлил қилиш, конспектлаштириш (ёки реферат тарзида расмийлаштириш) ва ўзлаштириш, ижодий ёндашишни талаб қиладиган амалий топшириқларни бажариш кўринишида амалга оширилади. Бу турдаги ишларни бажариш жараёни ва ўзлаштириш сифатининг назорати дарсдан ташқари пайтларда, махсус белгиланган консултация соатларида амалга оширилади. Курс иши ва лойиҳасини, ҳамда битирув ишларини ташкил қилиш бўйича олиб бориладиган фаолият ҳам аудиториядан ташқарида олиб бориладиган мустақил ишлар қаторига киради.

Мустақил ишлар жорий ўқув жараёни билан биргаликда ва узвий боғлиқликда олиб борилади. Умуман мустақиллик – шахс характерининг хусусиятларидан бири бўлиб, инсоннинг тафаккур тизимида, турли кўринишдаги фаолият ва ҳаракатларида акс этади. Мустақиллик тушунчаси олий ўқув юрти ва лицей талабасига нисбатан айтилганда, унда талаба ўз олдида турган вазифаларни, чунончи бўлажак мутахассис сифатида шаклланишида эгаллаган барча билимларни янада мустақкамлаш ва унга интилиш тушунчасини билдириши мумкин.

Билимларни мустақил равишда эгаллашга интилиш - талаба фаолиятининг энг ажралиб турадиган хусусияти, мустақил ўқиб билим орттириш асоси ҳисобланади. Ўқиб билим эгаллаш ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлик кўриши, ўқишга ижодий томондан ёндашиши демакдир. Мустақил ўқиш ўқув жараёни билан бирга белгиланган дастур ва дарсликлар бўйича, баъзи ҳолларда мазкур дастур ва дарсликлардан четга чиққан ҳолда олиб борилади. Мустақил равишда билиш доирасини кенгайтириш ҳамда қўшимча назарий ва амалий материални эгаллаш талаба эгаллаётган касбий малака ва ишлаб чиқаришда мустақил ишлай билиш кўникмасини орттириш билан чамбарчас боғланган. Агар ўқув жараёни дастурлар ва дарс жадвалида кўрсатилган машғулотлар билан чекланган, олиб бориладиган барча машғулотлар дарс хонасида тугалланадиган бўлса, у ҳолда тайёрланаётган мутахассисларнинг билими бир томонлама бўлган бўлар эди.

Айтиш лозимки, ўқув жараёнининг холис ўзи мутахассислар тайёрлаш учун етарли эмас. Ўқиш жараёни мустақил билим орттириш билан уйғунлаштиригандagina кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Адабиётлар билан мустақил ишлаши, уни ўқиб чиқиб тушуниш, эслаб қолиш нуктаи назардан эмас, балки маълум бир ўқув масалаларни (ма-салан, масала ечишни, курс лойиҳаси ва битирув иши лойиҳаларини) ҳал этиш учун зарур бўлган материалларни топиш нуктаи назардан қараш керак. Мазкур ҳолда ўқувчилар адабиёт ва бошқа манбалар билан ишлашнинг моҳиятини кўрадилар. Ушбу ҳолат талабанинг ишлаб чиқаришда тезроқ ёндашиб кетишига тегишли шарт-шароитлар яратади.

Мустақил ўқишни аудиториядан ташқарида ташкил этишусули– талабанинг билими, малакаси ва маҳоратини чуқурлаштиришга қаратилган талабанинг уйдаги ҳатти-ҳаракатларидир. Бунга талабанинг мустақил равишда ўқув материални ўзгаларнинг ёрдамисиз ўрганиши, унинг моҳиятини англаши, масалаларни, реферат, курс ишини, битирув ишларини ижодий йўл билан бажариши киради.

Реферат, курс иши ва битирув ишларининг вазифаси махсус фанларидан олинган назарий билимларни мустақил билим орттириш йўли билан амалий мустаҳкамлашдан иборатдир. Ўқувчилар курс иши ёки битирув иши бажаришар экан, улар албатта, чизиш, ҳисоблаш, таҳлил ишлари билан бирга (бир вақтнинг ўзида) бажариладиган ишлар бўлиб, изланишлар ва прогнозлашнинг илғор усуллари асосида мустақил равишда олиб борилади. Курс иши, лойиҳа ва битирув ишларининг, ўқувчилар томонидан мустақил бажарилиши, ўқувчиларнинг лойиҳалаш ишларидаги малакасини оширади ва махсус адабиёт ва билдиргичлардан қандай фойдаланиш кераклигини ўргатади.

Ўқувчиларда курс ишини бажариш малакасини шакллантириш, ҳамда ўқувчиларнинг иқтисодий муаммони ечишдаги ижодий изланишлари қуйидаги усулларда олиб борилиши мумкин: - муаммони атрофлича ўрганиш, унинг назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этиш ва амалий ҳолатдаги четга чиқишларни аниқлаш, ҳатоликларни ахтариш ва уларни йўқотиш йўллари ахтариш. Мазкур фаолиятнинг ютуғи шундаки, у ўқувчиларни ижодий изланишларга, мулоҳазалар юритишига, янги ечимларни ишлаб чиқишга ундайди.

Бугунги кунда фан-таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси жараёни кетаяпти. Шу сабабали битирув малакавий иш мавзулари буюртмачилар билан маслаҳатлашган ҳолда танланмоқда. Битирув малакавий ишларнинг натижалари буюртмачилар томонидан баҳоланади ва реал вазиятларда улардан фойдаланилади. Шундай қилиб ўқувчиларнинг мустақил фаолияти ва ишлаб чиқариш ўртасида узвий алоқалар ўрнатилмоқда.

Аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил ишлар лойиҳа ва кейс-стади усулидан фойдаланган ҳолда ўтказилиши бугунги кун таълим тизимидаги янгиликлардан бири десак, ҳато қилмаймиз.

Таълим олувчиларга мустақил ишлаш бўйича уйга вазифа беришда куйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур:

- ўқув адабиёти тузилиши билан танишиш;
- матнларга кўз югуртириб чиқиш;
- алоҳида бобларни ўқиш;
- ўқув адабиётидан саволларга жавоб қидириш;
- ўқув материалларини ўрганиш;
- реферат ёзиш;
- қисқача баённома тузиш;
- мисол ва машқлар ечиш;
- тест синовларини бажариш;
- ўқув материаллари мазмунини тушуниш ва хотирада сақлаб қолиш.

Ўқувчиларни ўқув адабиётларидан мустақил фойдаланишга ўргатишда куйидагилар назарда тутилади:

- Ўқувчиларда ўз билимини текшириш малакасини шакллантириш;
- уйда китоб билан ишлаш орқали дарсда олинган билимларни мустаҳкамлаш;

– Ўқувчиларнинг ўқув материали мазмунини тушунишлари учун уларни режа асосида ўқиш, мантикий–тузилмавий схемалар, жадваллар ва расмлар шаклида ифодалаш, конспект ёзиш каби амалий ишларга ўрганиш.

Талабанинг билимларини ўзлаштиргани тўғрисида китобни неча марта ўқиганига эмас, балки ўқув материаллари мазмунини тушунганига кўра хулоса чиқариш ва уни баҳолаш керак. Бунда талабанинг кўп ўқиши эмас, балки ўқиганларини фаол эслаб қолиши муҳим ҳисобланади.

Ўқитувчи ўқувчиларни ўқув адабиётларидан мустақил фойдаланишга ўргатишда ўқув машғулотининг технологик харитасидан фойдаланиши лозим.

Биринчи босқичда ўқитувчи машғулотга тайёргарлик кўради, ўқувчиларнинг мустақил ўрганишлари учун ўқув материални танлайди, ўқув фаолиятининг мақсади, вазифаси, натижаси ва уни баҳолаш мезонини белгилайди.

Иккинчи босқичда мавзунини эълон қилади, янги ўқув материали мазмунини ва мустақил ишни бажариш тартибини ўқувчиларга тушунтиради.

Учинчи босқичда ўқувчиларга индивидуал ёрдам беради.

Тўртинчи босқичда ўқувчиларнинг бажарган ишини назорат ва таҳлил қилади, натижаларни баҳолайди.

Шундай қилиб, махсус фанлардан ташкил этиладиган мустақил ишларнинг мақсади ўқувчиларда касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, уни ижодий ишлаш ва мустақил фикрлашга ўргатишдир. Ўқувчилар мустақил ишлаш малакасига эга бўлганидан кейин тўғрақлар, конференциялар, конкурслар, олимпиадалар ва бошқа тадбирларда фаол қатнашадилар.

Аудиториядан ташқарида талабалар фаолиятини ташкил этишда мустақил фаолиятни ташкил этишга ёрдам берувчи ташкил этиувчилардан фойдаланиш

кулай. Улар талабалар билимини мустаҳкамлаш ва баҳолаш жараёнини осонлаштиради. Бундан ташқари аудиториядан ташқари мустақил фаолиятни ташкил этишда кейс ва лойиҳа методини ўзига хос ўрни мавжуд.

Кейс -стади методи.

Кейс-стади (инглизча case - тўплам, аниқ вазият, stadi -таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир.

Кейс – бу реал ҳаётнинг «бир бўлаги» (инглиз терминалогиясида TRUE LIFE).

Кейс – фақат вазиятни тўғри ёритиш эмас, балки вазиятни тушунтириш ва баҳолашга имкон берадиган ягона маълумот комплекси.

Кейсда акс этган вазият, бу реал ёки сунъий ҳодисани институционал тизимда маълум вақтда ҳаётда юзага келишини акс эттиради.

Кейсда баён қилинган вазият институционал тизимда (шу ўринда ва кейинчалик - корхонада) дискрет (айни шу) вақтда ташкилий ҳаётдаги типик муаммоларни қайта яратадиган реал ёки сунъий қурилган ҳодисаларнинг идеал тарздаги инъикосидан иборатдир.

Муаммоли вазият. Мазкур ҳолда вазият субъектининг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади.

Муаммоли вазият. Бунда субъектни ҳозирги шароитда ёки келгусида мақсадига эришишига хавф туғдирувчи вазият тушунилади

У илк марта Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида 1870 йилда қўлланилган эди. 1920 йилда Гарвард бизнес-мактаби (HBS) ўқитувчилари юристларнинг ўқитиш тажрибасига таяниб, иқтисодий амалиётдаги аниқ вазиятларни таҳлил этиш ва муҳокама қилишни таълимнинг асосий усули этиб танлашганидан кейин мазкур ўқитиш услуби кенг татбиқ этила бошлади.

Кейсолог фаолияти мазмуни:

- Кейснинг ўқув курси тўзимасидаги ўрнини белгилаш.
- Унинг таълим мақсадини тўлиқ ифода этиш.
- Кейснинг талабаларнинг таълимдаги ютуқлари натижалари учун «масъулиятзонаси»ни аниқлаш:
ўзлаштирилиши/кенгайтирилиши/ривожлантирилиши лозим бўлган билим, малака ва кўникмалар рўйхати
- Кейс ҳаётийлик, кабинетли ёки илмий-тадқиқотчилик тусида бўлиши?
- Кейс объекти аниқ шахс (шахслар) ёки корхона ёхуд у кўп объектли бўлади?
- Фақат шундан кейин у институционал тизимни танлайди (кабинетли кейс учун).

Кейс учун ахборот йиғиш усуллари:

Интервью, суҳбат, ўрганиш (архив ҳужжатлари, ҳисоботларни), кўзатув ва ҳ.к

Ахборот йиғиш воситаси: Сўровнома варағи, интервью олиш варағи, анкета, ҳар хил жадваллар ва бошқалар.

Ахборот манбалари: статистик материаллар, ҳисоботлар; вазият объекти фаолияти ҳақидаги маълумотномалар, ахборотлар; Интернет; оммавий ахборот воситалари; корхона раҳбарлари, унинг таъминотчилари ва истеъмолчилари, тармоқдаги экспертлар ёки турли инвестицион фондлар таҳлилчилари билан мулоқот; талабаларнинг ўқув ва диплом лойиҳалари, магистрлик диссертациялари; илмий мақолалар, монографиялар.

Мақсадни баён этиш - ўқув курси структурасида кейсни ўрнини аниқлаш.

Кейсни таълим мақсадини кўрсатиб бериш.

Талабани ўқув ютуқлари, натижалари учун кейсни “жавобгарлик зонаси”ни аниқлаш: кейсни ишлаб чиқиш жараёнида билими ва савияси, ўзлаштириши, тафаккури ва бошқалар.

Лойиҳа методи

Лойиҳавий таълим педагогика амалиётида 300 йилдан ортиқ қўлланилиб келмоқда.

Немис педагоги М. Кноллинг тадқиқотига кўра, «лойиҳа» тушунчасининг пайдо бўлиши XVI асрга тааллуқли бўлиб, италиялик меъморларнинг меъморликни фан деб эълон қилиб, уни ўқув фанлари даражасига чиқарган ҳолда ўз фаолиятларини касбга айлантиришга уринишлари билан боғлиқ.

☀ XVIII аср охирида муҳандислик касблари пайдо бўлиши натижасида ўқув лойиҳаси дастлаб Франция, сўнгра Германия, Австрия, Швейцариядаги, XIX аср ўрталарида эса АҚШдаги техника ва саноат олий мактабларида тарқалди.

☀ *Лойиҳалар усули* «ўқитиш усули» дидактик тоифа сифатида XIX аср бошларида шаклланди. Бу даврда прагматик педагогика доирасида «эркин тарбия» ғоялари юзага келди.

☀ Америкалик педагоглар В. Килпатрик, Е. Коллингс ва Е. Пархерстнинг ишларида ривожлантирилди, улар таҳсил олувчиларнинг нафақат фаол ўрганиш фаолияти, балки биргаликдаги меҳнат, ҳамкорлик асосидаги фаолиятини ташкил эта бошладилар.

☀ 1911 йилда АҚШ Тарбия бюроси «лойиҳа» атамасини қонунлаштирди ва у америка педагогикасида янада мустаҳкамлана бошлади.

Лойиҳа» атамаси ижтимоий фанлар соҳасига техника соҳасидан ўтган бўлиб, «**Лойиҳа** (лотинча-projectus, дан таржимада олдинга ташланган) – аниқ қоидаларга мувофиқ у ёки бу соҳа ҳолатини қайта қуришнинг асосий ғоясини англатади.

Таълим маъносидаги лойиҳалаштириш ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан то оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир.

Лойиҳавий таълимнинг муҳим белгилари:

- Муаммога йўналтирилган ўқув изланишини тизимли ташкиллаштириш ўқув муҳитини яратади;
- Талабаларга уларни қизиқтирган муаммони тадқиқ қилиш ва уни ҳал этишда йўналтириш ва ёрдам беришда ўқитувчи ўрнини белгиловчи ўқув муҳитини яратади;
- Фан билимларини мустаҳкамлашга ва уларни ривожлантиришга ёрдам берувчи ўқув муҳитини яратади;
- Талабаларга мустақил ҳаракат қилиш, (амалиётга йўналтирилган) аниқ якуний натижа олишни таъминловчи ўқув муҳитини яратади;
- Ҳақиқий ҳаёт билан таълимнинг мустаҳкам алоқасини ўрнатади.

Лойиҳа турлари:

Изланувчилик фаолияти хусусиятидаги ўқув лойиҳаларнинг турлари

1.Тадқиқотчилик лойиҳалари – бу илмий изланиш хусусиятига эга бўлиб, қуйидаги ишларни бажариш ва аниқлаш назарда тутилади:

- муаммони долзарблигива ишлаб чиқилганлигини;
- Тадқиқот мақсади;
- Фараз, вазифалар;
- Муаммони ўрганиш усуллари;
- Ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш;
- Тажриба ўтказиш;
- Амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ижодий лойиҳалар

ҳамкорий фаолиятда ишлаб чиқилган янги маҳсулотни ижодий шаклдаги (ижодий ҳисобот, кўргазма, ишлаб чиқариш хоналарини дизайни, видеофильм, нашрий маҳсулотлар – китоблар, альманах, компьютер саҳифаларидаги журнал, компьютер дастурлари ва б.)тақдимоти.

Ижодий иш гуруҳи - бу (лабораториялар, устахоналар, конструкторлик бирлашмалари, редакциялар ва бошқалар)

Ахборотли лойиҳалар – ўқув жараёни ёки бошқа буюртмачилар учун муҳим бўлган ахборотларни йиғишга йўналтирилган.

Лойиҳани ишлаб чиқиш турли манбалардан: монография, журнал мақолалари, газета нашрлари, социологик сўровномалар, электрон маълумотларни излаш билан боғлиқ.

Лойиҳа натижаси – буклет, нашр, Интернет саҳифаси шаклидаги тақдим этилган, танлаб олинган, таҳлил қилинган, умумлаштирилган, тизимлаштирилган ахборотдир.

Қўллаш соҳасига боғлиқ равишда ўқув лойиҳаларни турлари

- **Ишлаб чиқаришга оид (техникавий)** ва ижтимоий лойиҳалар. Бунда ишлаб чиқаришнинг ижтимоий томонларини (бошқарув, уй-жой шароитини яхшилаш ва бошқа муаммоларни) такомиллаштириш учун муҳим бўлган муаммоларни ҳал этиш назарда тутилади.

Муаммони ишлаб чиқиш хусусияти билан мувофиқликдаги лойиҳалар

- Назарий ва амалий йўналтирилган лойиҳалар. Бунда касб таълими йўналишидаги талабалар педагогика тарихи фанида тарбияга бўлган ёндашувларни ўрганиш асосида ижодий гуруҳларда ўзларининг шахсий тарбиянинг концепцияларини ишлаб чиқадиладар.
- **Амалий хусусиятдаги лойиҳада аниқ амалий**, яъни мактаб ёки аниқ ўқитувчининг буюртмаси бўйича муаммони ҳал этишга йўналтирилади (услубий лойиҳа). Бу лойиҳалар битта лойиҳада ўз аксини топиши ҳам мумкин.

4-Мавзу бўйича тест саволлари

1. Ўзини ижтимоий касбий ривожлантира олиш деганимиз нима?

- a) креатив компетентлик.
- b) аутокомпетентлик;
- c) экстремал компетентлик.
- d) шахсий компетентлик.

2. Изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш негизида педагогга хос қандай компетентлик акс этади?

- a) шахсий компетентлик;
- b) маҳсус компетентлик;
- c) ижтимоий компетентлик;
- d) экстремал касбий компетентлик.

3. Шахснинг ўзида касбий тажриба, малака, маҳоратни такомиллаштириш йўлида аниқ мақсад ва пухта ўйланган вазифалар асосида мустақил равишда амалий ҳаракатларни ташкил этиши қандай номланади?

- a) ўз-ўзини англаш;
- b) ўз-ўзини баҳолаш;
- c) ўзини ўзи ривожлантириш;
- d) ўзини ўзи таҳлил қилиш.

4. Индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрлигини тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирадиган ижодий қобилияти қандай номланади?

- a) эрудиция;
- b) интуиция;
- c) креативлик;
- d) эврика.

5. Олимларнинг фикрича педагогик фаолиятда нечта қобилият етакчилик қилади?

a.2, b.4, c.5, d.6

ГЛОССАРИЙ

Аутокомпетентлик- Ўзини ижтимоий касбий ривожлантира олиш.

Аудио ва видео визуал материаллар – ўқув ахборотларини компьютер технологияси ёрдамида овозли ва визуал шаклда қабул қилинишини таъминловчи материаллар

Виртуал стендлар – 1) реал объект, предмет, жараён, воқеа ва ҳодисаларнинг электрон модели; 2) матн, расм, схема, жадвал, диаграмма ва б. шаклдаги ахборот, жараён ҳамда виртуал муҳитларни яратиш, сақлаш, ишлов бериш, рақамлаштириш ва тизимли равишда амалга оширишни ифодаловчи компьютерли восита

Гавдани тутиш-тўғри тутиш(юришда, ўтириб туришда), қўлларнинг раҳбар ва ходими столида эркин ҳолатда бўлиши, батартиблиги, ихчамлиги.

Ижод – ижтимоий субъектнинг янгилиги, аҳамияти ва фойдалилиги жамият ёки муайян гуруҳ томонидан тан олинган фаолияти ёки фаолияти натижаси

Ижодий қобилият – ижодий фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш ва унинг натижаланганлигини баҳолашда намоён бўладиган индивидуал хусусияти

Ижодий тафаккур – тафаккурнинг ижод жараёнини ташкил этиш ва ижод натижалари (маҳсуллари)ни башоратлашни ифодаловчи тури

Ижодий топшириқлар – муаммоли вазиятларни тизимли таҳлил асосида ҳал қилишга йўналтирилган масалалар тизими

Ижодкор шахс – ижодий жараёни муваффақиятли амалга ошира оладиган ҳамда аниқ ижодий натижа (маҳсулот)ларга эга шахс.

Ижодкор шахсни тарбиялаш – касбий-ижодий фаолият тажрибаларини қарор топтириш ва бойитиш асосида ижодий ғоя, уларни амалга ошириш кўникма ва малакаларига эга шахсни шакллантириш ва ривожлантириш

Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш

Имидж - (инг. “image”) тушунчаси “сиймо”, “тимсол”, “қиёфа” ва “образ” маъноларини англатади. Моҳиятига кўра эса ушбу тушунча ёрдамида “жозибаси”, “мафтункорлик” маъноларини ифодалайди. Имидж - аниқ бир инсонга бўлган муносабатда инсонлар тафаккурида юзага келадиган ташкилот ёки бошқа ижтимоий объект қиёфасидир.

Имитацион виртуал тренажёр (ингл. “train” – “тарбияламоқ”, ўқитмоқ”, “машқ қилдирмоқ”) – электрон шаклдаги ўқув-машқлантирувчи қурилма бўлиб, у ёрдамида меҳнат фаолиятининг реал шароити оделлаштирилади, муайян фаолият (м: машина (механизм)ни бошқариш, мураккаб станокда иш бажариш ёки ҳарбий техника сирларини ўзлаштириш) кўникмалари шакллантирилади, кўникмалар малакаларга айлантирилади ҳамда ҳосил бўлган малакалар такомиллаштирилади

Инновацион компетентлик – педагогик жараёни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини

оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга самарали татбиқ этиш

Инновацион муҳит— педагогик янгиликнинг вужудга келиши, уларнинг жадал ўзлаштирилиши ва амалиётга татбиқ этилиши.

Инновацион педагогик ғоя— тизимлаштирилган педагогик ғоялар; ўқув жараёни башорат этилиши, маълумотлар тўплами.

Инновацион таълим - 1) таълим соҳасига киритилган ва киритилаётган янгиликлар; 2) янгиланган янги технологиялар асосида ташкил этилган таълим жараёни. Инновацион таълим (ингл. “innovation” – янгилик киритиш, ихтиро) – таълим олувчида янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим.

Инновацион таълим муассасаси— янги типдаги таълим муассасалари: академик лицейлар, мактабгача таълим комплекси, шахсий мактабгача таълим муассасалари, ихтисослашган синф ва мактаблар, гимназия, турли йўналишли, предметлари чуқур ўргатиладиган мактаблар ва ҳ.к.

Инновацион технология— педагогик тараққиётни таъминлашга қаратилган ташкилий фаоллик жараёни (фаоллик, дидактик ўйинлар, эвристик, креатив, муаммоли, лойиҳаштирилган, АКТ технологиялари).

Инновацион ўқитиш—1) янгича ўқитиш тизими, 2) ва талабаларни янги киритилган технологиялар асосида ўқитиш жараёни (алгоритмлаш, лойиҳали, модулли ва б.)

Инновацион фаолият – янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият

Инновация - инглиз тилидан таржима қилинганда (“innovation”) “янгилик киритиш” деган маънони англатади. нновация – муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият..

Инсонпарварлик - инсоннинг қадри эркинлиги бахт-саодати тенг ҳуқуқлилиги тўғрисида инсонийликнинг барча тамойилларини юзага чиқариш учун шарт-шароитлар яратиб бериш ҳақида ғамхурлик қилишни ифодаловчи тушунча.

Информацион компетентлик – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, аралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш

Касбий ижодкорлик методологияси – ижодкорликнинг жараён ва натижа сифатида объектлар ҳамда муайян касбий фаолият турларига муносабат кўринишидаги тузилиши, мантиқий ташкил этилиши, метод ва воситалари ҳақидаги таълимот

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши

Касбий-ижодий имконият – 1) касбий компетенция, малакага эгалик;

Касбий-ижодий фаолият – мутахассиснинг касбий масалаларни ижодий ҳал қилиш муваффақиятини тавсифловчи фаолияти, инновацион хаттиҳаракати

Кийиниш - озодалиги, шинам ва башанглиги, камтарлиги, рангларнинг мос ҳолда танланиши, кийимнинг ёшига ва касбига мослиги, кийимни модага мувофиқлиги, бижутерия, тақинчоқларнинг кўп ва камлиги, ишига мослиги.

Коммуникатив компетентлик – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш

Креатив компетентлик – педагогик фаолиятга танқидий, ижодий ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намоёиш эта олиш

Креатив шахс – жараён ёки натижа сифатида ижодкорликни намоён этувчи, масалаларни ечишга ностандарт усуллар билан ёндаша олишга мойил, ўзига хос ҳаракатларни ташкил этиш, янгиликларни илгари суришга, ижодий маҳсулотларни яратишга лаёқатли ва тайёр шахс

Креативлик - (лот., инг. “create ” – яратиш, “creative ” яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кировчи ижодий қобилияти маъносини ифодалайди.

Кўникмалар – педагогнинг касбий фаолияти жараёнида ҳосил қилинган тажриба ва билимлар асосида бажариладиган ишнинг мукаммал усулидир

Қобилият – шахснинг индивидуал-психологик хусусияти бўлиб, муайян фаолият юзасидан лаёқати ва ишни муваффақиятли амалга ошириш субъектив шарт-шароитини ифодаловчи индивидуал психик сифатлар йиғиндисига айтилади, зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш динамикасидаги фарқларни аниқлайди

Малакалар – педагогнинг онгли фаолиятни бажариши жараёнида ҳосил қилинган касбий интеллектуал фаолиятнинг автоматлашган компонентлари йиғиндисидир

Маҳсус компетентлик – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, билим, кўникма ва малакани изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик

Методик компетентлик – педагогик жараёни методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шакллариини тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллай олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш

Мимика-бу ўз фикрларини, кайфияти, ҳолати, ҳиссиётини тингловчи бажараётган ишдан розилиги ёки норизолигини билдириш мақсадида учун юз, қош, кўз мускулларини ҳаракатга келтира олиш санъатидир.

Модератор - қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, тингловчиларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларни ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради

Мулоқот – 1) кишиларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирларига таъсир кўрсатишлари кишилар ўртасидаги алоқани тиклаш ва ривожлантириш жараёни; 2) кишиларнинг бир-бирларига таъсир кўрсатиши асосида улар ўртасида рўй берадиган ахборот алмашинуви

Мулоқот жараёнида ахборот алмашиш воситалари – шахслараро мулоқот жараёнида ахборот алмашинувини таъминловчи моддий ва номоддий нарсалар, омишлар (оғзаки ва ёзма нутқ, паралингвистик ва экстралингвистик тизимлар, мулоқотнинг ташкилий қўламини ва вақти, кўз қарашлар ёрдамида ташкил этиладиган алоқа, белгиларнинг оптик-кинетик тизими (мимика, пантомимика, жестлар – гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари))

Мулоқот маданияти – 1) мулоқот жараёнини ахлоқий меъёрлар, ижтимоий талабларга мувофиқ ташкил этиш асосида суҳбатдошни тушуна олиш эҳтиёжи ва қобилиятига эгаллик; 2) педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири

Мультимедиа – бир неча кўринишдаги: электрон шаклдаги график, матнли, рақамли, овозли, мусикали, видео, аудио, фотография, ҳаракатланувчи образлар (анимациялар) ва бошқа ахборотларни узатувчи компьютер технологиялари учун тааллуқли умумий тушунча

Мультимедиа маҳсулотлари – ўзида АКТнинг дастурий ва техник имкониятлари асосида аудио, видео, матн, графика ва анимация эффектлари асосида ўқув материални тингловчиларга етказиб берилишини мужассамлаштирган ишланма (маҳсулот)лар

Новация (янгилаш) - фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлиб, фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгартиришга хизмат

Нутқ аппарати – нутқни ҳосил қилишда иштирок этувчи органлар

Нутқ маданияти – ўз фикрини нутқ ёрдамида мантиқли, тўғри, образли, аниқ ва ифодали етказиб бериш малакаларининг ўзлаштирилганлик даражаси

Нутқ техникаси – нутқни тингловчи ёки таълим олувчига етказишда қўлланиладиган воситалар мажмуи

Нутқ ҳосил қилувчи органлар – нутқни ҳосил қилиш жараёнида иштирок этувчи органлар (ўпка, иккита бронх, трахея, кекирдак, бўғиз, ҳиқилдоқ, ҳалқум, тишлар, бурун бўшлиғи, лаблар)

Нутқли (ёки товушли) нафас олиш (фонацион, юнон. “phono” – “товуш”) – нафаснинг нутқ жараёнидаги олиниши

Пантомимика – бу гавда, қўл, оёқ ҳаракатидир. Тарбиячи машғулотда ўқув маълумотларини баён қилар экан, гавда ҳолати орқали

маълумотларнинг образини чизади, болалар бундан завқланадилар, ички ҳис-туйғулари, уларнинг ташқи ҳиссиётлари билан қўшилиб бутун борлиқ маълумотлар мазмунини ўзлаштиришга қаратилади.

Педагогик ижод – педагог (тарбиячи)нинг маҳорат пиллапояларидан кўтарилишида яратувчанликни, ташаббускорликни, педагогик уддабуронликни ва тадбиркорликка элтувчи йўлни, бу йўлдаги қийинчиликлардан қўрқмасликни англатади

Педагогик имидж - педагогнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси билан ташқи кўриниши ўртасидаги ўзаро уйғунлик ва мутаносибликдир

Педагогик қобилият - педагогик жараёнда тарбиячининг ақлий, эмоционал – иродавий жиҳатларини, ташкилотчилигини, билимдонлигини ва уларнинг бир-бирига боғлиқлигини ҳамда яхлит бир бутунлик касб этишини ифодалайди

Педагогик маданият - тарбиячилик бурчи, масъулияти, кадр-қиммати, виждони, ахлоқий эътиқодини назарда тутиб, унинг талабчанлиги, адолати, комиллиги, ростгўйлиги, тўғрилигини англатади

Педагогик маҳорат - тарбиячининг шундай шахсий (болажонлиги, ҳайрихоҳлиги, инсонпарварлиги, меҳрибонлиги ва ҳ.к.) ва касбий (билимдонлиги, зукколиги, фидойилиги, ижодкорлиги, эрудицияси ва ҳ.к.) фазилатларини белгилайдиган хусусиятки, у ўз фанини чуқур ва атрофлича билишда, психологик ва методик тайёргарликда, ёшларни ўргатиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг оптимал йўллари излаб-топиб амалий фаолиятда қўллашида намоён бўлади

Педагогик муомала– касбий фаоллигининг бир кўриниши бўлиб, таълимтарбияда шу жараён иштирокчиларининг ўзаро таъсир ва ҳамкорлигини акс эттиради

Педагогик назокат(такт) – тарбиячининг педагогик мақсадга мувофиқ, фойдали, қимматли ҳаракатларининг ўлчови, меъёри ва таъсир воситасининг чегараси сифатида характерланади

Педагогик техника – педагогнинг нафақат таълим–тарбия жараёнида, балки бутун касбий фаолиятида зарур бўлган умумий педагогик билим ва малакалари мажмуидир.

Педагогик техника – ўқитиш, таъсир кўрсатиш, таълим тарбия олувчиларга ўз ҳис-туйғулари, билимлари, ахлоқий фазилатларини узатиш технологиясини ифодалайди

Презентация (такдимот; лот. “praesentatio” – такдим этиш) – муайян мавзу ёки муаммо бўйича ўқув (илмий, амалий) характердаги материалларнинг иш қоғозлари (оддий ёки ватман қоғозлар) ҳамда ахборот-коммуникацион воситалар (компьютер, проектор, процесор ва б. қурилмалар) ёрдамида такдим этилиши

Психологик компетентлик – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш

Рақамли видео лавҳалар – ўқув модули (ўқув фани) бўйича билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга ёрдам берадиган маълумотларни ўз ичига олган 3D ўлчамдаги замонавий ўқув манбаи

Самимийлик- атрофдаги кишилар билан муносабатда софдиллик, виждонлилик ифодаланадиган шахсий сифат

Таълим инновациялари – таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар.

Технологик компетентлик – касбий-педагогик билим, кўникма ва малакани бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш

Тренер — тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатномага эга бўлган ҳамда ўқув-машқ, оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказишни, шунингдек спорт натижаларига эришиш учун беллашув фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи жисмоний шахс.”- деб эътироф этилган. (Тренер – инглизча train – ўзбек тилида тарбияловчи, ўргатувчи маъноларини англатади.)

Тьютор - (Tutorem-лотинча) устоз, мураббий вазифасини бажаради. Баъзи ҳолларда маъруза си билан тингловчи орасидаги боғловчи ролини ҳам бажаради. Бунда маърузачи томонидан берилган билимларни кенг эгаллашда маслаҳатчи ва устоз ролини бажаради Ўзини ўзи ижодий фаоллаштириш – шахсинг ижодий фаолиятда ўз имкониятларини тўлақонли намоён қилиши ва ривожлантириши

Фасилитатор - (инглиз тилида facilitator, лотинча facilis—енгил, қулай)- гуруҳлардаги фаолият натижасини самарали ҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтириш, гуруҳдаги коммуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради

Шахсий компетентлик – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш

Эдвайзер (advisor) – (французча-avisen—ўйламоқ) тингловчиларнинг индивидуал ҳолда битирув малакавий иши, курс лойиҳаларини бажаришда маслаҳатчи ролини бажаради

Экстремал компетентлик – ғавқулотда вазиятлар (табiiй офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик

Электрон альбом – расмлар, суратлар, чизмалар ва бошқар график тасвирлар ҳамда уларнинг изоҳларини ўзида акс эттирувчи электрон шаклдаги тўплам.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7- февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги янги тахрирдаги Қонуни. 2015 й. 04.09.2018й.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2- февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7- февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3- июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли қарори
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 30- сентябрдаги ПҚ-3305-сон қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 - мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15- сентябрдаги “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3276-сон қарорида
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5- сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сон Фармони
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5- сентябрдаги “Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сон қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони
16. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил

14 - августдаги “�збекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузурида Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 658–сонли қарори.

17. Асқарова Ў.М. Педагогика: Олий ўқув юртлари учун дарслик / Ў.М. Асқарова, М. Хайитбойев, В.С. Нишонов; ЎзР олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги. – Т.: “Талқин”, 2008. – 288 б.

18. Умумий педагогика: Дарслик / Р.А. Мавлонова, Н.Ҳ. Раҳмонқулова, К.О. Матназарова, М.К. Ширинов, С. Ҳафизов. – Т.: “Фан ва технология”, 2018. – 528 б.

19. Абдуллаева Ш.Х. Педагог профессионал компетентлигини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари: Психол.ф.д. (DSc) ... дис-я автореферати: 19.00.05. – Т.: ЎзМУ, 2019. – 61 б.

20. Андриади И.П. Основы педагогического мастерства / Андриади И.П.. – 2-е изд. – М.: НИЦ ИНФРА-М, 2016. – 200 с. – ISBN 978-5-16-011222-0

21. Емельянова М.В., Журлова, И.В., Савенко, Т.Н. Основы педагогического мастерства: Курс лекций для студ. пед. ун-та. [Электронный ресурс] / М.В. Емельянова И.В. Журлова, Т.Н. Савенко. – Мозырь: УО «МГПУ», 2005. – 150 с.

22. Жабаков В.Е. Педагогическое мастерство учителя физической культуры [Текст]: учебное пособие / В.Е. Жабаков, Т.В. Жабакова. – Челябинск: Изд-во Южно-Уральского государственного гуманитарно-педагогического университета, 2016. – 195 с.

23. Жабаков В.Е. Педагогическое мастерство учителя физической культуры [Текст]: учебное пособие /В.Е. Жабаков, Т.В. Жабакова.– Челябинск: Изд-во Южно-Уральского государственного гуманитарно-педагогического университета, 2016.195 с.

24. Жабаков В.Е. Педагогическое управление качеством подготовки специалиста физической культуры. Монография. – Челябинск: Изд-во Юж.-Урал. гос. гуман.-пед. ун-та, 2017. – 282 с. – ISBN 978-5-906908-34-6

25. Компетентностная модель современного педагога: учебно-методическое пособие / [О.В. Акулова, Е.С. Заир-Бек, С.А. Писарева и др.]; РГПУ им. А. И. Герцена. – Санкт-Петербург: издательство РГПУ, 2007. – 158 с.

26. Маркова А.К. Психология профессионализма / А.К. Маркова. – М.:Знание, 1996. – 308 с. – ISBN 5-87633-016-7

27. Печеркина А.А. Развитие профессиональной компетентности педагога: теория и практика [Текст]: монография / А.А. Печеркина,

Э.Э. Сыманюк, Е.Л. Умникова. – Екатеринбург: Урал. гос. пед. ун-т., 2011. –

233 с. – ISBN 978-5-7186-0473-3

28. Равен Дж. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация / Равен Дж. Пер. с англ. – М. : Когито-Центр, 2002. – 396 с. – ISBN 5-89353-052-7

29. Ростовцева В.М. Компетентность и компетенции: герменевтический

аспект в контексте диверсификации современного образования: монография /

В.М. Ростовцева. – Томск: издательство ТПУ, 2009. – 261 с.

30. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–279 б.

31. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.

32. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.Aloqachi, 2017.- 256с

33. Умаров М.Н., Эштаев А.К., Иштаев Д.Р., Тўйчиев З.Ў., Эштаев С.А., Пахрудинова Н.Ю. “Гимнастика назарияси ва услубияти” Дарслик Тошкент 2017

34. To`xtaboyev N.T., Shakirjanova K.T., Soliyev I.R. Qisqa masofaga yugurish. O`quv qo`llanma.-Т.: Barkamol fayz media, 2017.-184 b.

35.Мунавваров А.Қ. тахрири остида .”Педагогика” дарслик - Т.: Ўқитувчи, 1996 .- 200 б.

36. Под редакцией П.И. Пидкасистого. “Педагогика”, учебник- М.: 2004. 604.стр.

Электрон таълим ресурслари

1. www.sportedu.uz

2. www.olympic.uz

3. www.ziyonet.uz

4. www.lib.sportedu.uz

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
1-МАВЗУ	ПЕДАГОГ ФАОЛИЯТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ПЕДАГОГНИНГ ҲУҚУҚ, МАЖБУРИЯТЛАРИ	
1.1.	Педагогнинг профессионал компетентлиги ва унинг ҳуқуқ, мажбуриятлари	5
1.2.	Педагогнинг таълим-тарбия жараёни ташкил этиш ва бошқариш маҳорати.....	13
2-МАВЗУ	ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИНГ ЎРНИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ	
2.1.	Таълим-тарбия жараёни сифатини оширишда педагог компетенциясининг ўрни ва унинг турлари. Касбий компетенция модели.....	22
3-МАВЗУ	ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙУЛЛАРИ, ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ, ШАХСИЙ КАСБИЙ МАЛАКАЛАР	
3.1.	Таълим сифатини оширишда педагогик компетенликни ривожлантириш йуллари. Педагогнинг маҳорати шахсий-касбий малакалар.....	30
4-МАВЗУ	ПЕДАГОГНИНГ АУТОПСИХОЛОГИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ ВА ПРОФЕССИОНАЛ КОМПЕТЕНЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	
4.1.	Педагогнинг аутопсихологик компетенциялари Професионал компетенликни ривожлантириш технологиялари	41
	ГЛОССАРИЙ	53
	АДАБИЁТЛАР	58